O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 24-fevral, chorshanba № 15 (8248) ISSN 2010-6416

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Бу дунё ичида яшадинг талай,
Билим, ҳунар, зако олдинг ҳар қалай.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

ТАЖРИБАЛАР ТОБЛАНАР МАЙДОН

Соғлом рақобат маҳоратларини синаб, изланиш ва янгиликка ундаш омилидир. Шу нуқтаи назардан, айни пайтда қизғин ўтаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловида ҳам ёш ўқитувчилар маҳоратларини тоблаб, кўплаб янгиликлар ўрганаётган бўлса, малакали педагогларнинг тажрибалари янада бойимоқда.

Пойтахтимиздаги 169-мактабда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг инглиз тили фани бўйича шаҳар босқичи баҳслари давом этяпти. Унда шаҳар туманларидан келган 9 нафар ўқитувчи ўзаро беллашмоқда.

Танловда иштирок этаётган ҳар бир иштирокчи қайсидир жиҳати билан ҳамкасбидан устунроқ. Ҳар кимда ҳар хил ғоя, фикр, тажриба бор. Хусусан, Юнусобод туманидаги 260-мактаб ўқитувчиси Валида Мамлиеванинг 7-синфларда ўтган "Буюк ипак йўли" мавзусидаги, Ҳамза туманидаги 206-мактаб ўқитувчиси Азиза Юсупованинг 5-синфларда ўтган дарслари ўқувчилар қизиқишига сабаб бўлди.

Танловнинг бошқа шартлари бўйича қолган иштирокчилар ҳам ўз маҳоратларини синовдан ўтказаётир.

Танлов давом этмоқда.

Суратларда машғулотлар жараёни акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

«Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2010»

«Barkamol avlod — mamlakat kelajagi»

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР

чет элларда эътироф этилаяпти

Давлатимиз раҳбарияти томонидан юртимиз ёшларига кўрсатилаётган юксак эътибор уларнинг ҳар йили махсус танловлар асосида рағбатлантирилишида ҳам ўз аксини топаяпти. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус стипендияси соврини энг шарафли ва масъулиятли танловлардан ҳисобланади. Тошкент давлат аграр университетининг "Деҳқончилик ва мелиорация асослари" кафедраси аспиранти Динара Музаффаровага ҳам ушбу ўқув йилида республикамизнинг бир гуруҳ аспирантлари қатори Президент стипендиати бўлиш шарафи насиб этди. У айни пайтда "Тошкент шаҳри газонларидаги бегона ўтларнинг тур таркибини аниқлаш ва уларга қарши кураш чоралари" мавзусида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Шаҳар ва деҳқончилик. Бу иборалар четдан олиб қараганда бир-биридан анча йироқдек туюлади. Аммо улар орасидаги масофа қанчалар олис бўлмасин, бу икки тушунча кесишадиган нуқтани топиш мушкул эмас экан. Ҳарқалай, ўзи пойтахтда туғилган бўлса-да, айнан деҳқончилик соҳасини танлаган Динара буни амалда исботлаб берди.

(Давоми 5-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ФАРЗАНДЛАР ИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ 3-бет

«БОЛАНИНГ БЎШ ВАҚТИ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК!» 7-бет

O'YLIKDA TO' PLANGAN TAJRIBA o'quv yili davomida samara beradi 8—9-бетлар

ҲУНАР — ҲИКМАТ 11-бет

Ma'lumki, ommaviy axborot vositalarini erkinlashtirish uzoq muddatli jarayon bo'lib, bu boradagi ishlar mamlakatimizda tizimli, bosqichma-bosqich va izchil amalga oshirilayotgani konferentsiya ishtirokchilari tomonidan ta'kidlandi.

Ma'rifat
2010-yil 24-fevral

МУҲОКАМАДА — АХБОРОТ МАКОНИ ИСТИҚБОЛИ

Куни кеча пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида «Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситалари ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашнинг долзарб вазифалари» мавзусида республика конференцияси ўтказилди. Анжуман Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда асосий эътибор республикамиз Президентининг жорий йил 27 январда Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» деб номланган маърузасида белгилаб берилган муҳим йўналишларга қаратилди.

Айтиш зарур, кўрилган масалалар бугун чиндан-да долзарблиги боис конференция доирасида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ва сиёсий партиялар вакиллари, етакчи ахборот агентликлари, босма нашрлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий ОАВ ходимлари бир стол атрофига йиғилди.

Мунозараларда, хусусан, ОАВни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлашда уларни фаоллаштириш, илғор ахборот коммуникация технологияларини медиа маконга жорий этишнинг долзарб масалалари хусусида сўз борди. Шунингдек, республикамиздаги ОАВнинг интернет тармоғидаги фаолиятини кенгайтириш, сиёсий партиялар матбуот органлари ишини фаоллаштириш, нодавлат ОАВнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга бағишланган маърузалар ҳам тингланди ва муҳокама этилди.

Маълумки, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш узоқ муддатли жараён бўлиб, бу борадаги ишлар мамлакатимизда тизимли, босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётгани конференция иштирокчилари томонидан таъкидланди. Бунда ахборий бозор муносабатлари ва соғлом рақобатни ривожлантириш, ОАВ мустақиллигини таъминлаш, замон талабларига жавоб берадиган моддий-техник базани модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш муҳим. Қолаверса, бугунги кунда дунё ахборот маконининг тараққиётида кузатилаётган янги тенденциялар асосида журналистлар, техник ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Республикада мулкчилик шакли, йўналишидан қатъи назар, ахборот ҳудудида унинг барча иштирокчилари учун эркин ва самарали ижодий фаолиятига зарур шарт-шароитлар яратилгани эътироф этилди.

Konferensiya

Шунингдек, анжуман ниҳоясида республика оммавий ахборот воситалари ўртасида ўтказилган «Эътироф» ижодий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди. Таъкидлаш жоизки, мазкур танлов босма нашрларни янада такомиллаштириш, уларни жаҳон андозалари асосида ривожлантириш ва ОАВ ходимлари меҳнатини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган. Шу тариқа якунларга кўра, 2009 йилнинг «Энг яхши ижтимоий-сиёсий газетаси» — «Моҳият», «Энг яхши тармоқ газетаси» — «Ватанпарвар», «Энг яхши болалар нашри» «Тонг юлдузи» бўлди. Босма нашрлар орасида «XXI аср» газетаси энг яхши дизайнга, «Uzbekistan Today» энг яхши веб-сайтга эга экани таъкидланди. «Йилнинг энг фаол нашри» номинацияси бўйича эса «Биржа» газетаси ғолиб деб топилди. «Миллий тикланиш», «Тошкент ҳақиқати», «Келажак овози», «Класс», «Зарафшон» газеталари ҳам номинациялар бўйича рағбатлантирувчи совғаларни қўлга киритди. Шу билан бирга, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари марказа ҳудудий бўлимлари қошида ташкил этилган «Келажак пресс» матбуот марказларига грантлар топширилди.

Анъанага кўра, ташкилотчилар ўртасида имзоланган махсус ҳаракат дастури доирасида бу каби конференцияларни ўтказиш яна Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давом эттирилади.

Наргиза ИБРОҲИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

SIRTQI FAN OLIMPIADALARI

3-bosqich savollari bilan tanishing

Xalq ta'limi vazirligining 2009 yil 1 dekabrdagi "Axborot ta'lim portalida"da sirtqi fan olimpiadalarini tashkil etish va o'tkazish to'g'risida" gi 333-sonli buyrug'iga asosan, joriy o'quv yilida ham sirtqi fan olimpiadalari tashkil etilib, uning ikkinchi bosqichi yakunlandi. Quyida matematika fanidan 3-bosqich masalalari e'lon qilinmoqda.

Diqqat, tanlov!

8-sinf

1. Agar qo'ziqorinda 11 tadan ko'p qurt bo'lsa, u chirigan qo'ziqorin hisoblanadi. Qurt o'zi yashayotgan qo'ziqorinning 1/5 qismidan kamini yegan bo'lsa, u oriq qurt hisoblanadi. O'rmondagi qo'ziqorinlarning chorak qismi chirigan qo'ziqorinlardir. Qurtlarning kamida 1/3 qismi oriq ekanligini isbotlang.

2. Tenglamani yeching:

$$\sqrt{x-\frac{1}{x}}+\sqrt{1-\frac{1}{x}}=x$$

3. Ixtiyoriy haqiqiy son uchun

$$x^8-x^5-\frac{1}{x}+\frac{1}{x^4}\geq 0$$

tengsizlik o'rinli bo'lishini isbotlang.

4. p va q — tub sonlar bo'lib, p^2+1 q ga, q^2-1 esa p ga bo'linadi. $p+q+1$ – murakkab son ekanligini isbotlang.

5. Ixtiyoriy uchburchakni ulardan to'g'ri burchakli uchburchak yasash mumkin bo'lgan uchta qismga ajratish mumkinligini isbotlang.

9-sinf

1. a va b shunday sonlarki, $60^a=3$ va $60^b=5$. U holda $12^{\frac{1-a-b}{2(1-b)}}$ nimaga teng?

2. Tenglamalar sistemasini yeching:

$$x+\frac{1}{y}=y+\frac{1}{z}=z+\frac{1}{x},$$

bunda x, y, z o'zaro teng bo'lmagan sonlar.

3. Ixtiyoriy nomanfiy x, y, z sonlar uchun ushbu tengsizlik o'rinli bo'lishini isbotlang:

$$x^3+y^3+z^3+3xyz\geq x^2y+xy^2+x^2z+xz^2+y^2z+yz^2$$

4. 312500051 tub sonmi?

5. $ABCD$ trapetsiyada $EF=c$ kesma $AD=a$ va $BC=b$ asoslarga parallel hamda berilgan trapetsiyani ikkita tengdosh qismga ajratadi. $a^2+b^2=2s^2$ tenglik bajarilishini isbotlang.

Javoblarni joriy yilning 20 martiga qadar tashkiliy qo'mitaga pochta orqali yoki respublika Ta'lim markazi elektron pochtasi (sirtqi_olimp@mail.ru: rtm@uzedu.uz)ga yuborishingiz mumkin.

N. KARIMOV,
RTM Aniq fanlar bo'limi boshlig'i,
U. SAGDIYEV,
Qarshi shahridagi 2-sonli davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim maktab-internatining matematika fani o'qituvchisi, hakamlar hay'ati a'zosi

ТИББИЙ МАДАНИЯТ САБОҒИ

«Баркамол авлод йили»да, энг аввало, «Соғлом она — соғлом бола» дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш бош масала этиб белгиланганини бежиз эмас.

Tadbir

Юнусобод туманидаги 274-мактабда ўтказилган «Соғлом онадан — соғлом бола» анжуманида ҳам она ва болаларнинг репродуктив саломатлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман аввалида 49-оилавий поликлиникада олиб борилаётган ишлар ҳақидаги телефильм намойиш қилинди. Сўнг мактаб ўқувчи қизлари, маҳалла аёллари учун маърузалар ўқилди. Терапевт шифокор Дилбар Азимова, гинеколог врач Г.Раупова, Мастура Умарова ўз маърузаларида оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди. Шифокор Дилфуза Ниғматова эса эрта никоҳ ва қариндошуруғлар ўртасидаги қуда-андачиликнинг салбий асорати, генларнинг бузилиши, бунинг учун катталар қайғуриши зарурлигини таъкидлади.

— Анжуманга туғиш ёшидаги аёллар ва мустақил ҳаётга тайёрланаётган ўқувчи қизлар кўпроқ жалб қилинди, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Эркин Турсунов. — Негаки, соғлом онадан соғлом бола туғилади. Саломатликни эса ёшликдан асраш керак. Бугунги суҳбат ва маърузалар аҳолининг тиббий маданияти, маънавиятини оширишга ҳисса қўшиши, шубҳасиздир. Зеро, ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун ўзи қайғуриши керак.

Назокат ИБРОҲИМОВА

☑ ДЕНОВ ШАҲРИДАГИ 81-МАКТАБДА "БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ"ГА БАҒИШЛАБ, "БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ОНА ТИЛИ, ЎҚИШ, МАТЕМАТИКА ВА ОДОБНОМА ФАНЛАРИНИНГ ЎҚИТИЛИШИ" МАВЗУСИДА ВИЛОЯТ МИҚЁСИДА ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ҳар ойда анъанавий тарзда ўтказилаётган семинарда туман халқ таълими бўлими услубчилари, мактаб методбирлашма раҳбарлари, илғор бошланғич синф ўқитувчилари иштирок этяпти.

Анжуманнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида вилоят халқ таълими бошқармаси Таълим маркази услубчиси Дилором Одилова қисқача маълумот бергач, қатнашчилар гуруҳларга бўлиниб, машғулотларни кузатишга киришди. Уларга бошланғич синф ўқитувчилари Зайнаб Холмўминова, Махфират Сатторова, Гулсара Турсунмуродова, Зулхумор Рўзиева, Махфират Қодирова ноанъанавий усулларда дарс ўтиб беришди.

Таҳлиллардан сўнг 2-"Д" синф муаллимаси Саида Саидова "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги" ўқув йилига атаб "Ўзбекистон – Ватаним маним" мавзусида синфдан ташқари тадбир уюштирди.

— Бундай амалий семинарнинг ўтказилаётганлиги биз учун жуда фойдали. Касбдошларимизнинг энг илғор ва янгича иш усулларини ўрганиб, фаолиятимизда қўллаяпмиз. Бу таълим-тарбияда сифат ва самарадорликни таъминлаяпти, — дейди Бандихон туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Маматқулова.

Норқувват ТЎРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

☑ "ЖОНЛИ ТАРИХ САҲИФАЛАРИ" РУКНИДАГИ НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ НАФАҚАТ ЎҚУВЧИЛАР, БАЛКИ ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ҲАМ ҲАЯЖОНЛИ БЎЛДИ.

Ўқувчиларимиз унда Мирзо Бобур ғазалларидан, энг эзгу хислатлар — инсонпарварлик, одамийлик, бағрикенглик, сахийлик, олижанобликдан бир умрга татийдиган дарс олдилар.

Зеро, баркамол авлоднинг маънавий тарбияси ана шундай учрашувлар орқали сайқалланиб боради.

Мукаррам МУРОДОВА,
Миробод туманидаги 60-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

☑ РЕСПУБЛИКА МУСИҚА ВА САНЪАТГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТИДА МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР ЎҚУВЧИЛАРНИНГ УШБУ ФАНЛАРГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ОШИРИБГИНА ҚОЛМАЙ, ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТЛАРИНИ ҲАМ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА.

Жумладан, фан ойлигини самарали ўтказиш ва бундан кўзланган мақсад ҳамда вазифалар тўғрисида ўқитувчи ва ўқувчиларга батафсил ахборотлар берилган.

Ўқитувчилар ўртасида ўтказилаётган "Ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар юзасидан дарс ишланмалари" танлови ушбу мавзуларда янгича ёндашувларнинг кашф этилишига туртки бўлмоқда. Шунингдек, фан методбирлашмаси йиғилишларида ҳар бир ўқитувчи ўз маърузаси билан қатнашиши ёш мутахассисларнинг малакаларини оширишга ҳам сабаб бўлмоқда.

6, 7, 8-синфлар ўртасида "Деворий газеталар танлови"нинг ўтказилиши, ҳар бир синф ўқувчиларининг музейга саёҳатлари уюштирилиши уларнинг физика ва иқтисод фанларини янада чуқурроқ ўзлаштиришлари учун муҳим омил бўлаяпти.

Фан ойлиги доирасида яна кўплаб тадбирларнинг ўтказилиши режалаштирилган. Бу эса ўқувчиларнинг мазкур фанлардан билим, малака, кўникмаларининг мунтазам ошиб боришига, билимларида ҳосил бўлаётган бўшлиқларнинг самарали тўлдирилишига ёрдам беради.

Гўзал ЙЎЛДОШЕВА,
физика фани ўқитувчиси

☑ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХУСУСАН, РЎЙ БЕРИШИ ЭҲТИМОЛИ БЎЛГАН ТУРЛИ КЎРИНИШДАГИ КЎНГИЛСИЗ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН НАВБАТДАГИ ТАДБИР ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИНИНГ ЯНГИ БЕЛТЕПА МАҲАЛЛАСИ ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН 316-МАКТАБДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ўтказилган тадбир мобайнида Янги Белтепа маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли ҳамда мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида газдан фойдаланиш қоидалари, бирор хавф туғилиши эҳтимоли юзага келганда бундай вазиятларда қандай ҳимоя чораларини кўриш усуллари хусусида тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган Шайхонтоҳур транспорт коллежи ўқувчилари, маҳалла фаоллари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ундан ҳимояланиш усулларига оид кўргазмали плакатлар билан танишдилар. Тадбирда Шайхонтоҳур тумани газ таъминоти бўлими, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Азамат СУЮНОВ

☑ ФОРИШ ТУМАНИ КЎҲНАБОЗОР ҚИШЛОҒИДА ЖОЙЛАШГАН 5-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ФАН ОЙЛИКЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ОШИБ БОРМОҚДА. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ФАНЛАРГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШЛАРИ ЎСИБ, ЎЗЛАШТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА.

Математика ва информатика фанлари ойлиги ҳам бу таълим масканида кўтаринкилик билан бошланди. Ойлик доирасида беллашувлар, элга таниқли касб эгалари билан учрашувлар, фан тўгаракларида эса ўқувчиларнинг чуқурроқ ўзлаштиришлари учун қизиқарли ўйинлар, тест синовлари ҳам ўтказилмоқда.

Ахборот асри бўлган XXI асрда ахборот технологияларини чуқурроқ ўрганиш, бунинг учун эса ҳисобкитоб, яъни, математика ва информатика фанларини яхшироқ ўрганишлари шартлигини англаган ўқувчилар имкониятлардан фойдаланиб, пухта билим олишга ҳаракат қилмоқда.

Информатика фани ўқитувчиси Б.Сувонов ва математика фани ўқитувчиси А.Сорабековнинг фан ойлигини самарали ўтказишда хизматлари катта бўлмоқда.

Т.АҲМЕДОВ

☑ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 198-МАКТАБДА «МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ» БОШЛАНГУНГА ҚАДАР ЎҚУВЧИЛАР КРОССВОРД, БУКЛЕТ, ДЕВОРИЙ ГАЗЕТА, РЕБУС, КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР ЯСАБ УЛГУРДИЛАР. АЙНИҚСА, ОЙЛИКДА 8-«Б» СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЯСАГАН ВОСИТАЛАР ЭЪТИБОРГА МОЛИКДИР.

Синф ўқувчилари билан математика ўқитувчиси М.Исаева «Арифметик квадрат илдиз ва унинг хоссалари» мавзусида очиқ дарс ўтказди. М.Турсунованинг 6-«В» синфдаги «Бутун сонларни купайтириш» мавзусида ўтказилган очиқ дарси ҳам ойликка ўзгача мазмун бағишлади. Ўқувчилар бу очиқ дарсларда мавзу моҳиятини чуқур англаб етган бўлсалар, Б.Холматов, Б.Халилов, Н.Маллаева, Г.Ёқубова каби билимдон ўқувчилар юқори ўзлаштиришга эришдилар.

Ой охирида ўтказилиши кутилаётган ёпиқ тестларда очиқ дарс ва беллашувлар, синфдан ташқари барча тадбирларнинг қандай самара берганлиги аён бўлади.

Клара АЗИМОВА,
ўқитувчи

☑ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 272-МАКТАБДА «ХАЛҚАРО ТАҚВИМДА ЎЗБЕК ТИЛИ» МАВЗУСИДА БЎЛИБ ЎТГАН АНЖУМАН ХАЛҚАРО ОНА ТИЛИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ.

Анжуманда РТМ Илмий-методик кенгаши аъзолари, ЎзМУ ва ТДПУ профессор-ўқитувчилари, ТШХТББ ва Юнусобод ТХТБ услубчилари, ўқитувчилар иштирок этди. Филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов, Ҳамидулла Дадабоев, Раъно Сайфуллаева, доцент Саодат Султонсаидова, Муҳаммаджон Қодиров, Туйғуной Ниёзметова дунё миқёсида нишонланаётган Халқаро она тили кунининг аҳамияти, миллатнинг улкан бойлиги, кўрки ва ифтихори, бебаҳо мулки, алоқа воситасига ҳурмат, уни эъзозлаш ҳақида сўзлашди.

Тумандаги 17, 21, 51, 150, 257-мактаб ўқувчилари ижро этган «Энг ширин ва аччиқ таом», "Тил дилларни боғлайди" саҳна кўринишлари, ўзбек, рус, инглиз, француз, бошқирд тилларида янграган шеър ва қўшиқлар ўқувчиларнинг халқаро тилларни ҳам пухта ўрганганига яққол далил бўлиб, тадбирни янада жонлантирди.

Анжуманнинг иккинчи қисмида 272-мактаб ўқитувчилари Манзура Абдуллаева, Шоҳиста Ғаниева, Гулчеҳра Оппоқхўжаева, 12-мактаб ўқитувчиси Нодира Файзиева, 288-мактаб ўқитувчиси Гулноз Нурматованинг очиқ дарслари кузатилди.

— Бугунги анжуман ва замонавий дарслардан намуналар бизга манзур бўлди, — дейди 258-мактаб ўқитувчилари Рихси Худоёрова ва Сурайё Раҳмонова. — Ҳар бир дарсда интерфаол усул, АКТ, техника воситаларидан унумли фойдаланилди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

☑ "BARKAMOL AVLOD YILI" MUNOSABATI BILAN O'ZBEKISTON MADANIYAT VA SAN'AT KO'RGAZMASI ZALIDA KAMOLIDDIN BEHZOD NOMIDAGI MILLIY RASSOMLIK VA DIZAYN INSTITUTI TALABALARINING "VATANNI ULUG'LAR NAVQIRON YOSHLAR" VA "BOBURNI YOD ETIB" MAVZUSIDAGI BADIIY KO'RGAZMASI TASHKIL ETILDI.

Ko'rgazmada o'ndan ziyod yosh ijodkorning rangtasvir, haykaltaroshlik, badiiy kulolchilik, xattotlik, miniatura, kompyuter grafikasi va badiiy foto, yog'och o'ymakorligi singari yo'nalishlardagi uch yuzdan ziyod ijodiy ishi namoyish etilmoqda.

– Ko'rgazmada ishtirokchilar yog'och o'ymakorligi asosida yaratilgan lavh, zeb-ziynat qutisi, turli uy-ro'zg'or buyumlari bilan qatnashyaptilar. Ushbu ko'rgazma mahsulotlarni keng namoyish etish bilan birga, tajriba almashish, tengdoshlarimizning ijod namunalari bilan yaqindan tanishish imkonini berdi, – deydi yosh musavvir Charos Ismoilova.

Farrux ERGASHEV

☑ ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ 102-МАКТАБДА ЎҚУВЧИЛАР ҚАЛБИГА ХАЛҚИМИЗНИНГ БОЙ ЎТМИШИ, АЖДОДЛАРИМИЗ ҚОЛДИРГАН МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ СИНГАРИ ТУЙҒУЛАРНИ СИНГДИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚАТОР ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Ана шундай тадбирлардан бири тарих ва география фанлари услубий бирлашмаси, мактаб ахборот-ресурс маркази ҳамда "Kamalak" болалар бошланғич ташкилоти кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилди.

"Тарихий обидалар – маънавий баркамолликнинг муҳим омили" деб номланган ушбу беллашувда таълим масканининг 7-синф ўқувчилари ўз билим ва маҳоратларини намойиш этди. Ўқувчилар уч гуруҳга бўлиниб, юртимиз алломаларининг жаҳон тарихида тутган ўрнига бағишланган рефератлар, деворий газеталар ҳамда мамлакатимиздаги тарихий обидалар макетини ясаш шартлари бўйича ўзаро куч синашдилар. Танлов жараёнида иштирокчилар ўзлари ясаган обидалар тарихига оид муҳим маълумотларни келтириб ўтдилар. Шунингдек, ўқувчилар Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридан олган таассуротларини ҳам намойиш этди. Беллашув якунларига кўра, 7-"Е" синф ўқувчилари биринчи, 7-"Г" синф ўқувчилари иккинчи ва 7-"А" синф жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди. Ғолиб жамоа Ўзбекистон тарихи давлат музейига саёҳат қилиш учун бепул йўлланмани қўлга киритди.

Танлов якунида сўзга чиққан мактаб директори Махфират Асомова маданий обидаларни асраб-авайлашда бундай тадбирлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

Дилфуза МАҚСУДОВА,
102-мактаб ахборот-ресурс маркази мудираси

Respublikamizda davom etayotgan turli qurilishlar, obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish ishlariga qiziqish ortishi bilan madaniy o'simliklarni o'stirishga bo'lgan ehtiyoj ham tobora oshib bormoqda.

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР

чет элларда эътироф этилаяпти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Республикамизда давом этаётган турли қурилишлар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига қизиқиш ортиши билан маданий ўсимликларни ўстиришга бўлган эҳтиёж ҳам тобора ошиб бормоқда. Ландшафтли дизайннинг ажралмас қисми ҳисобланган кўм-кўк майсазорлар, хусусан, газон микроиқлимни ва экологик шароитларни яхшилаши, ҳавони кислородга бойитиши билан аҳамиятга молик. Газонлардан турли майдонларни, истироҳат боғларини безатишда, шунингдек, спорт майдончалари ва стадионлар яратишда кенг фойдаланилади.

Газонларнинг бир текис тўшалувчанлигини сақлаш анча муаммоли ва машаққатли. Айниқса, улар орасида бегона ўтларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши газонларнинг бир текисда ўсишига халақит берибгина қолмай, зарарли хусусиятлари билан атрофга ҳам таъсир ўтказади. Бу борада агротехник ва кимёвий кураш чораларини ишлаб чиқиш газонлар орасида ёввойи ўтларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишидан сақланиш имконини беради. Кўплаб олимларни қизиқтирган мазкур мавзуни Динара Музафарова давом эттираяпти. Аслида, бу соҳа Динарага у қадар бегона эмас. Биология фанлари доктори даражасига етишган бувиси мазкур даргоҳнинг илк талабаларидан бири, қолаверса, онаси Раъно опа ҳам биология фанлари номзоди. Шу сабабми, мактабни битириш арафасида турган қиз ҳеч иккиланмай ҳужжатларини қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган олий таълим муассасасига топшириб, кўпчиликни ҳайратда қолдирганди.

— Деҳқончилик деганда кўпларнинг кўз олдига фақат пахта ва буғдой етиштириш келиши табиий, — дейди Динара. — Аслида шаҳарни ҳам бу соҳасиз тасаввур этиш мушкул. Ахир, кўчаларимиз кўркига кўрк қўшаётган, истироҳат боғларини безаб турган ямяшил майдонлар айнан деҳқончиликнинг бир кўриниши эмасми? Мен бугун ўзим танлаган соҳани чуқур эгаллаш орқали ютуқларга эришганимдан мамнунман. Айниқса, қўшни Россия давлатида Тимирязев академияси мутахассислари билан ўтказилган конференцияларда иштирок этган пайтим Ўзбекистонда ҳам маданий ўсимликлар — газонларни ўстириш борасида илмий иш олиб бораётган тадқиқотчилар борлигини эшитиб лол қолишди, шунда нафақат ўзим таълим олган олий ўқув даргоҳи, балки бутун юртимиз шарафига айтилаётган илиқ фикрларни эшитиб фахрланиб кетдим.

Талабалик пайтида АҚШдаги Ратгарс университети олимлари билан ҳамкорликдаги грант лойиҳасида иштирок этиш истагини билдирган Динара ўзи танлаган мавзунинг шу қадар чуқурлашиб кетишини, унга келгусидаги бутун илмий салоҳиятини бағишлашини ўйлаб кўрмаганди. У маданий ўсимликлардан бири — газонларни ўрганишни университетни бакалавр даражаси бўйича тамомлаш арафасида, сўнг магистратурада ҳам давом эттирди. Бу давр мобайнида ёш олиманинг илмий мақолалари бир неча бор нафақат республикамиз, балки хорижий давлатлар нашрларида ҳам чоп этилди. Динара янги экилган газонлардаги бегона ўтлар миқдорини, уларни камайтиришга тупроқни экиш олдидан тайёрлаш усулларининг таъсирини, икки паллали бегона ўтларга қарши самарали гербицидларни қўллаш чораларини тажрибаларда синаб кўрди.

— Динара нафақат ўз илмий ишида, балки жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан кўп бора ишончимизни оқлаган, — дейди аспирантнинг илмий раҳбари, биология фанлари доктори, профессор Собиржон Азимбоев. — У ўзининг илмий ишлари билан республикамиз миқёсидаги, қолаверса, хорижда бўлиб ўтган махсус кўргазмаларда, илмий конференция ва семинарларда иштирок этди. Мавзу бўйича хорижий адабиётлардан фойдаланиш ва чет эллик олимлар билан фикрлар алмашишда Динарага инглиз тилини яхши билиши жуда қўл келаяпти. Яқинда пойтахтда бўлиб ўтадиган "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" республика ярмаркасида у яна университет номидан иштирок этади ва бир қанча лойиҳаларни амалга оширишга ҳисса қўшади.

Университетнинг "Деҳқончилик ва мелиорация асослари" кафедраси профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан газонларнинг юртимиз иқлимига мос навлари яратилган. Динаранинг айтишича, гуруҳ аъзолари эндиликда бу ўсимликнинг Сурхондарё, Қашқадарё ёхуд Хоразм вилоятлари иқлимига мослашган янги нави устида бош қотиришмоқда. Илмий раҳбар таъкидлаган лойиҳалар ҳам айнан мана шу навлар билан боғлиқ. Ёш тадқиқотчи келгусида ўзлари яратган навларни нафақат республикамиз, балки хорижлик мутахассислар ўртасида ҳам оммалаштиришга бел боғлаган.

— Ишонаманки, шунда газонларни етиштириш борасидаги аввалги қийинчиликлар (аслида бу маданий ўсимлик уруғлари бизга Германия, Россия ва Голландиядан келтирилади!) барҳам топади, — дейди ишонч билан ёш тадқиқотчи.

Динаранинг энг катта ютуғи аслида илмий салоҳияти билан ўзи яшаб турган масканнинг ободончилигига ҳисса қўшаётгани, аммо кенг маънода олиб қарайдиган бўлсак, бу баркамол авлодни тарбиялашни мақсад қилган давлатимиз ва ҳукуматимизининг ҳам улкан муваффақиятларидан биридир.

Муҳаббат ШАРИФОВА

КОЛЛЕЖ ОШПАЗИ — ЎҚУВЧИЛАР

Мактаб, коллеж, қўйингки, университет ошхонаси. Яхши тамадди, қайсидир маънода, яхши билим олишингизга ҳам ёрдам беради. «Олдин иқтисод, кейин сиёсат» иборасининг айтилгани ҳам шу жиҳатга қаратилган. Юнусобод туманидаги Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ошхонасида амалиёт ўтаётган ўқувчи-ёшларнинг ҳам шиори шу. «Миллий таомлар ошпази» йўналишида таълим олаётган 768 нафар ўғил-қизларнинг дид ва меҳр билан тайёрлаётган таомлари таъми анчагача оғзингиздан кетмайди.

— Биз ишлаб чиқариш амалиёти вақтида миллий ва хорижий давлатларнинг таомларини ўрганмоқдамиз. Кўриб турганингиз коллеж ошхонаси фаолиятини ўзимиз йўлга қўйдик. Бундан икки ойларча олдин ошхонани четдан келган хусусий тадбиркорлар юритишар эди. Коллежимиз раҳбарияти бу ерни бизга бўшатиб беришгандан сўнг, барча хизматларни ўзимиз бошладик. Тушган даромад эса, коллежимиз моддий-техник базасини риволантиришга хоналарига ишлатилаяпти, шунингдек, бокувчисини йўқотган оила фарзандлари, имконияти чекланган ўқувчиларга моддий ёрдамлар ташкил этилаяпти, — дейди «Миллий таомлар ошпази» йўналиши ўқувчиси Музаффар Аҳмедов ҳозиргина тайёрлаган ошни катта қозондан лаганга сузаркан. — Коллежга ўқишга келмасимдан олдин ҳам уйда ошни ўзим тайёрлар эдиму бўшроқ чиқарди. Бу ерга келганимдан сўнг устозларимдан янада кўп хилдаги таомлар тайёрлаш сирларини ўргандим.

Тушликка қўнғироқ чалиниши билан ошпазлик кийимини кийган ўқувчилар шошилишади. Бири асал суртилган пишириқларни, бири қат-қат сомсалар, бўғирсоқларни патнисларга теради.

Това устига масаллиқни моҳирлик билан жойлаштириб унга шакл бераётган 84-гуруҳ ўқувчиси Бекзод Ҳакимовнинг ёнига бориб сўрадим:

— Нима тайёрлаяпсиз?

— Картошкали "запеканка", — дейди у картошкаларни эпчиллик билан эзиб.

— О, зўр-ку?

— Тайёри бор татиб кўринг.

— Қўлингиз ширин экан, мазали чиқибди. Коллежни битириб нима қилмоқчисиз?

— Пазандалик сирларини мукаммал ўрганиб, «Dedeman» меҳмонхонасига ишга кирмоқчиман.

— Меҳмонхоналар сонининг ортиши билан меҳмонхона соҳасига тегишли мутахассисликларнинг кўпайиши ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу сабабдан ҳам коллежнинг миллий таомлар ҳамда хорижий таомлар ошпази йўналишига даъвогарлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди шу йўналиш раҳбари Наима Ваҳобова.

Тошкент туризм коллежида 100 нафар ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари 2372 ўқувчига «Туризм ва туризм хизматлар бизнеси»: туроператор, турагент, гид-кузатувчи, «Ресторан ва меҳмонхона бизнеси»: администратор, брон қилиш бўйича агент, номерлар фондисупервайзери, туризм, меҳмонхона ва ресторан бизнесини ташкил этиш, миллий таомлар ошпази, хорижий таомлар ошпази, қандолатчи, нонвой, «Бухгалтерия ҳисоби», бухгалтер-иқтисодчи йўналишларида билим беришади.

— Ошпазларда «калькуляция» атамаси бор. Бунинг маъноси тайёрланаётган таом учун қанча маҳсулот кераклиги ҳамда бу миқдор нечта ҳўрранларда ўтказилган «Европеска — 2008», «Истанбул гастрамик», «Тасанно» фестивалларида Азиз Турғунов, Муҳаммадали Алиев, Александр Абдуладзе «Карвинг», «Балиқ», «Дисерт» номинацияларида олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритишди. Бундан ташқари, таълим даргоҳимизнинг ўзида «Менинг ғоям» танловини ўтказиб келамиз. Бунда ўқувчилар янги таомномани ўйлаб топишади. Энг яхши, деб аниқланган фаол иштирокчилар коллежимиз маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси жамғармасидан Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳатга бориш йўлланмасини қўлга киритади. Сабаби, туризм соҳасида билим олаётган ҳар битта ўқувчи, албатта, бу шаҳарларнинг тарихини яхши билиши керак.

Коллежда назарий билимлардан кўра, амалий жараёнларга кўпроқ эътибор қаратилган. Шунданми, битирувчиларни иш ўринлари билан таъминлашда муаммолар кам.

— Бу йил коллежни 818 нафар ўқувчи битиради. Битирувчиларимиз март ойидан пойтахтимиздаги нуфузли меҳмонхоналар — "Интерконтиненталь", "Грант Орзу", "Dedeman", "Ўзбекистон", "Тошкент-Палас"га амалиёт ўташ учун юборилади. Ўтган йилги битирувчилардан 80 фоизи иш билан таъминланди. Энг қувонарлиси, коллежимиз атрофида жойлашган мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ҳам меҳнаткаш, қўли ширин ёш ошпазларимизни иш ўринларига сўраб келишаяпти.

Муассасанинг касбий назарий, касбий амалий дарсларини кузатар экансиз, ишлаб чиқариш усталари Ортиқ Мирзаҳамдамов, Мавлуда Қодирова, Турсуной Холиқова, Дамера Карабоеванинг пазандалигига ҳавасингиз келади. Уларнинг аксарияти Франция, Германия, АҚШ каби давлатларда ошпазлик амалиётидан малака ошириб қайтишган.

Хуллас, коллеж ўқувчиларининг ҳаракатларини кузатиб, улардаги ўз касбига бўлган меҳр келгусида янада кўпроқ ютуқларга эришишларида замин яратишига амин бўлдик.

Kollejlar hayotidan

Ҳулкар ФАРМОН қизи,
"Ma'rifat" мухбири

Davlat dasturiga kiritilgan maktablarning 81 foizi, ya'ni 6889tasi qishloq hududlarida joylashgani esa dastur ahamiyatini yanada oshirishi haqiqat.

Umummilliy dastur — amalda

ФАРЗАНДЛАР ИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Юртимизнинг олис бир қишлоғида хушхабар таркалди. Яхши гапнинг қаноти бор, деганларидек бу янгиликдан тез орада каттаю кичик бохабар бўлди. Узоқ йиллардан буён таъмирталаб бўлиб қолган мактаб биноси капитал таъмирланар эмиш. Ушбу зиё маскани Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига киритилган бўлиб, қисқа муддат ичида бутунлай ўзгача – замонавий қиёфага кирар экан. Кексалар қўлларини дуога очишди, фараҳбахш кунларга етганлари учун шукроналар айтишди.

Дарҳақиқат, Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги "Наврўз" қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 6-умумтаълим мактаби ҳам умуммиллий давлат дастури асосида капитал таъмирланган ҳақиқий маънодаги илм ва маърифат гулшани, эзгулик ва орзу-умидлар масканига айланди. Замонавий қиёфага эга бўлган ушбу таълим муассасаси таъмир ишларидан сўнг бугунги кун талаблари асосида жиҳозланди, махсус ўқув анжомлари, компьютер технологиялари билан таъминланди. Энди бу масканда таҳсил олиш, унинг имкониятларидан фойдаланиб, илмнинг энг юксак марраларини забт этиш ҳар бир истиқлол фарзанди, қишлоқ боласининг кўз ўнгида орзудан ҳақиқатга айланди.

— Бугунги кунда 6-умумтаълим мактабида 51 нафар педагог-мураббий 686 нафар ўқувчига билим сирларини ўргатиб келмоқда. 2008 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида ушбу зиё масканида 132,9 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди, — дейди Дўстлик туман халқ таълими бўлими мудираси Замира Исроилова.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айни дамда юртимизнинг қайси гўшасига борманг, дастур доирасида таъмирланган, қайта қурилган ёки бутунлай янгидан барпо этилган мактаблар, спорт иншоотлари ва бошқа таълим масканларини учратасиз. Уларда таҳсил олаётган миллионлаб ўғил-қизлар ҳар томонлама кўрсатилган эътибордан мамнун.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизматидан олинган маълумотларга кўра, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури" доирасида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2004 — 2009 йиллар оралиғида 8501та мактабда бунёдкорлик ишлари бажарилди. Жумладан, мамлакатимизнинг турли ҳудудлари бўйлаб 351та мактаб тўлиқ янгидан барпо этилган бўлса, 2470та мактаб эса капитал реконструкция қилинди. Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 3608таси капитал, 2072таси эса жорий таъмирдан чиқарилди. Давлат дастурига киритилган мактабларнинг 81 фоизи, яъни 6889таси қишлоқ ҳудудларида жойлашгани эса дастур аҳамиятини янада ошириши ҳақиқат. Бу рақам таълим тизимини ривожлантириш бўйича ислоҳотлар юртимизнинг барча ҳудудларида бирдек амалга оширилаётганидан далолат беради. 287та мактабнинг бориш қийин бўлган олис қишлоқларда жойлашгани фикримизни яққол исботлаб туради. Ушбу маълумотлар ортида Юртбошимизнинг кунчаклиги ва саъй-ҳаракатлари, бунёдкор халқимизнинг машаққатли меҳнати, кўплаб заҳматкаш инсонларнинг кунларни тунларга улаган бедорлиги бор.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, янги қурилган, бутунлай қайта таъмирланиб, замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган мактабларда таҳсил олаётган фарзандларимиз қисқа муддат ичида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бесамар кетмаслигини исботладилар. Буни республика ва халқаро миқёсда ўтказиб келинаётган фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ҳамда санъат фестивалларида мактаб ўқувчилари, суюкли фарзандларимиз томонидан эришилаётган ютуқларда ҳам кўришимиз мумкин.

Гарчи Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг бажарилиш муддати ўз ниҳоясига етган бўлса-да, юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳаракати изчиллик билан давом этмоқда. Буни "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган таълимни ривожлантириш, фарзандларни ҳар томонлама баркамол авлод қилиб вояга етказишга қаратилган аниқ мақсад ва вазифалар ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, Президентимизнинг 2010 йил 27 январдаги "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, фарзандларимизнинг маънан етук инсонлар бўлиб улғайишлари учун барча имконият, шарт-шароитларни яратиш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган. "Баркамол авлод йили"да мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар таълим жараёнининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини янада яхшилаш, фарзандларимиз дунёқарашини турли ёт унсурлардан ҳимоя қилиш ҳамда уларни спорт, санъат, маданият соҳаларига кўпроқ жалб этиш бўйича кенг кўламли ишларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ҳа, ўзини ҳурмат қилган, келажагининг буюклигига ишонган ҳар қандай давлат, ҳар бир миллат энг аввало, фарзандларининг маънан баркамол, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларига эътибор қаратади. Ўтмиши буюк, бугуни фаровон, келажаги порлоқ мамлакатимизда ҳам халқимизнинг ана шундай эзгу тилаклари мужассам ислоҳотлар ҳар куни, ҳар дақиқа давом этмоқда.

Санжар РУСТАМОВ,
журналист

2010-yil — Barkamol avlod yili

НОМЗОДЛИКДАН АЪЗОЛИККА

«Инсоннинг олам, табиат ва коинот сирларини билишга бўлган азалий интилишида унинг юксак ақл-заковати билан яратилган техник қурилмалар, «ақлли машина» — компьютернинг кўмаги беқиёсдир. Тадқиқотчи — Шайхонтоҳур туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг 9-"А" синф ўқувчиси Забихилла Қосимов «Ҳисоб таёқчаларидан компьютергача ривожланиш ва ахборот технологияларининг жамият тараққиётидаги ўрни» мавзусини ўрганиб, ўзига хос илмий иш яратган. Унда «...инсониятнинг энг содда ва қадимий ҳисоблаш воситаси бўлмиш ўнта бармоқ билан туғилиши», борабора ҳисоб амали учун чўт (абак)нинг ихтиро қилиниши, ҳозирги даврга келиб эса, замонавий компьютернинг яратилиши босқичма-босқич, даврма-давр шарҳлаб берилган. Интернетнинг бошқа алоқа воситалари билан қиёсий жадвали диққат-эътиборимизни тортади. Жами 33 саҳифани қамраб олган бу кичик тадқиқотни ҳимояга тайёр, деб ҳисоблайман».

Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Ш.Зайнутдинова томонидан шу йилнинг 8 февралида берилган тақриз ёш тадқиқотчи Забихилла Қосимовнинг илк мустақил кичик илмий ишини ҳимоя қилишига асос бўлди. Ўқувчини изланишга ундаган куч нимада, деган савол туғилиши табиий. Чунки муайян мавзу устида иш олиб бориш ўқувчи учун мажбурий бўлмай, ундан аввало, маълум фанларнинг асосларини пухта эгаллаш талаб қилинади. Агар у ўқиётган мактабда ўқувчиларнинг интеллектуал ва ақлий салоҳиятини ривожлантириш, таълимнинг кейинги босқичларида ёш тадқиқотчининг янгиданянги ғоялар устида иш олиб бориши учун пойдевор яратиш мақсадига хизмат қилувчи муҳит юзага келган бўлса, бу қўллаб-қувватлашга моликдир.

Забихилла Қосимов таълим олаётган 39-умумтаълим мактабида мазкур ўқув йилидан эътиборан, «Илм нур» кичик академияси фаолияти йўлга қўйилди. Ўқув йилининг дастлабки кунларидаёқ академиянинг иш режаси тасдиқланиб, унинг низоми асосида иш юритишга киришилди. Низомда таъкидланадики, мактабнинг иқтидорли, тадқиқотчиликка мойиллиги бўлган ўқувчилари орасидан Ўзбекистон илм-фанининг бўлажак вакилларини саралаш орқали таълим ва фан алоқасини мустаҳкамлаш, уларда илмий ижодий фаолиятнинг илк кўникмаларини ҳосил қилишдек эзгу мақсад аслида азалий орзу — баркамол шахсни вояга етказиш билан чамбарчас боғлиқдир.

«Илм нур» кичик академияси аъзолигига номзодлар ўзлаштиришда фаол ўқувчилар орасидан саралаб олинди. 4 нафар ўқувчига илмий тадқиқот мавзуларини тақдим этишда уларнинг ана шу фан йўналишига қизиқиши ҳисобга олиниб, уни ўрганиш, тадқиқ этишда нималарга таяниш лозимлиги бўйича йўналиш беради. 9-синф ўқувчиси Забихиллага мактабнинг информатика ўқитувчиси Нигора Захирова илмий раҳбар этиб тайинлангач, «Ҳисоб таёқчаларидан компьютергача ривожланиш ва ахборот технологияларининг жамият тараққиётидаги ўрни» мавзуси устида иш бошланди.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деганларидек, дастлаб бу мавзуни чуқур ўрганишга унчалик журъати етмаган Забихилло ўқитувчиси Нигорахоннинг «Асло чўчиманг, иштиёқингиз бўлса бас, фақат керакли манбаларни излашдан эринмаслигингиз керак. Зарур ўқув адабиётларини ўқиб-ўрганиб чиқсангиз, ишнинг умумий йўналиши, мақсад-мазмуни ойдинлашади», дея йўл-йўриқ кўрсатишидан илҳом ва куч олди.

Мураккаб амаллар олдида одамга қўл бармоқлари ёрдам бера олмай қолгач, ҳисоблаш учун унга майда тошлар, суяклар, бошоқли экинлар муҳим восита бўлганлиги тарихдан маълум. Ёш тадқиқотчи ҳисоблаш машиналарининг энг қадимий ва замонавий воситаларини, уларнинг ихтирочиларини ўз илмий тадқиқотига киритиши натижасида катта бир воқелик намоён бўлди: ҳисоблаш техникаси тараққиётининг дастлабки поғоналаридан «Непер таёқчалари»ю, Киммер томонидан ўйлаб топилган логарифмик чизғичлар, Беббидж аналитик машинаси (1822 ўрин олиб), кейинчалик биринчи, иккинчи ва учинчи авлод компьютерлари, ниҳоят, кафтга ҳам сиғдирса бўладиган palmtor (palm—кафт) шахсий компьютерлари ихтиро қилинганлиги бу тадқиқотда қайд қилиб ўтилди.

Ҳимоя жараёнида Забихилло Қосимов ўтган тўрт ой ичида илмий раҳбари Нигора Захирова билан ҳамкорликда ушбу мавзуни чуқур ўрганганлиги, олдинга қўйилган мақсадга эришганлиги кенгаш аъзолари томонидан эътироф этилиб, тадқиқот иши юқори баҳоланди ва бу ўқувчи бир овоздан «Илм нур» кичик академияси аъзолигига қабул қилинди. Мактаб информатика хонасида бўлиб ўтган илк ҳимоя худди олий ўқув юртларида узоқ йиллик уринишлардан сўнг ўтказиладиган номзодлик ёки докторлик ҳимоясини эслатар эди. Мавзуга доир жадвал ва диаграммалар мультимедиа орқали намойиш этилди.

—Академияга қабул қилинган илк номзодларимиз учун мавзу танлашда фан ўқитувчилари билан маслаҳатлашдик. Ҳозирча учта йўналиш—информатика, адабиёт ва иқтисодий билим асослари бўйича айрим мавзулар устида кичик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Биринчи бўлиб, информатика фанидан Забихилло Қосимовнинг "диссертация"си ҳимояга қўйилиб, юқори баҳоланди. Малика Абдулатипова, Абдурашид Тошхўжаев, Камола Ғуломова каби ёш тадқиқотчилар ўз илмий изланишларини давом эттиришаяпти. Қувонарли жиҳати, ҳимоядан сўнг 15 нафар ўқувчи академия аъзолигига номзод бўлиш истагини билдирди. Демак, тенгқурларининг муваффақияти ўқувчиларни ибрат олишга ундар экан, — дейди «Илм нур» кичик академияси раҳбари, тажрибали ўқитувчи Зулфия Магдихўжаева.

Ҳадемай, яъни ўқув йилининг охирига қадар ушбу академия аъзолари сони кўпаяди. Чеки-чегараси йўқ илм-фан олами уларни кейин ҳам янги-янги кашфиётларга ундаса, ажаб эмас.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ОЛМОСГА САЙҚАЛ БЕРГАН ЗАРГАРЛАР

Олмосга қанча ишлов бersанг, у янада сайқалланиб ўз қимматини ошириб боравераді. Ҳаётда шундай масканлар, фидойи инсонлар борки, улар қолдирган эзгулик замондошлари ва ворислари қалбида нафақат фахр, балки ғурур туйғусини ҳам уйғотади. Бу фахр ва ғурур кишини ўз устида изланишга, имкониятлар эшигини очиб, улкан бунёдкорликлар қилишга ундайди.

Каттақўрғон шаҳридаги 3-умумтаълим мактабини шундай таълим масканларидан бири дейиш мумкин. Мактаб илк ташкил этилган йили бор-йўғи 24та синфхона мавжуд бўлиб, 2 навбатда (сменада) ўқиш ташкил этилган эди. Истиқлол йилларида мактаб фаолияти «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ташкил этилди. Самарали ўқитиш усуллари — рейтинг назорати, мониторинг системаси, янги педтехнология, инновацион усуллар жорий этилиб, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши учун хизмат қилмоқда. Биргина 2003 йили мактаб «Йилнинг энг яхши мактаби» республика кўрик-танловида қатнашиб, республика Халқ таълими вазирлиги томонидан 3-даражали диплом билан тақдирланди. Демак, мактаб жамоаси жипслашиб, бир мақсад йўлида ҳаракат қилаяпти.

2009 йили Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мактабга янги мебель жиҳозлари, лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари берилди. Бу эса ўқитувчиларни ўз устида изланишга руҳлантирмоқда.

Jarayon

Мактабда айрим синфларда алоҳида фанларни ихтисослаштириб ўқитиш йўлга қўйилган. Шунингдек, мактаб ўқувчилари шаҳар, вилоят, республика фан олимпиадасида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга бу масканда катта эътибор берилади. Қобилиятли ўқувчилар санъатнинг турли соҳаларида ўз иқтидорларини намойиш этиб, кўрик-танловларда ғолибликка эришмоқдалар. Польша ва Япония давлатларида ўтказилган болалар расмлари халқаро кўрик-танловида мактаб ўқувчилари—Н.Рашидова, М.Тожиев, В.Рижков муваффақиятли иштирок этган бўлса, А.Тошпўлатова, Л.Ямбулатова, И.Ҳожиева, Д.Абдуҳамидова республика иқтидорли болалар кўрик-танлови совриндоридир.

Таълим масканида ташкил этилган мактаб музейи диққат-эътиборга моликдир. 1995 йилнинг май ойидан музей ўз иш фаолиятини бошлаган. 1998 йилда қайта жиҳозланиб, бой экспонатлари билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Бу ишда ўқитувчи Л.Малик фидойилик кўрсатди. Музейда турли йиллардаги битирувчиларнинг альбомлари, мактаб хотиралари, устозларга билдирган дил изҳорлари мавжуд.

Хуллас, 3-умумтаълим мактаби жамоаси ҳам қимматбаҳо олмос — қадрдон масканларини азиз билиб, ёшларга чуқур ва пухта билим бериш борасида изланиб, интилиб яшашни эзгу мақсад деб биладилар.

С.ҲАКИМОВА,
Каттақўрғон шаҳридаги 3-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

«МЕН ЁҚТИРГАН КАСБ»

Умумий ўрта таълим мактабларида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, унинг мазмунини ҳар бир ўқувчи онгига сингдириш, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини яхшилаш, битирувчи ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичи билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида мактабларда «Очиқ эшиклар куни» ташкил қилинмоқда.

Юнусобод туманидаги 327-мактабда ҳам касблар фестивали бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги радиотехника касб-ҳунар коллежи, кимё технологиялар институти қошидаги академик лицей, туризм касб-ҳунар коллежи вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этишди. Мактаб остонасидан кирганингиз заҳоти турли хилдаги қўл меҳнати маҳсули ҳисобланган буюмларга кўзингиз тушади. Бу эса ёшларнинг меҳнатга муносабати тўғри шаклланишида муҳим воситадир. «Касблар оламига саёҳат», «Ким бўлсам экан?» «Мен ёқтирган касб» сингари деворий газеталар ҳамда касб-ҳунарга оид маълумотлар ўқувчилар ва уларнинг яқинларида ўзгача бир қизиқиш уйғотди. Тадбирни очиб берар экан, мактаб директори ўқувчиларнинг хоҳиши, қизиқиши, қобилиятига қараб онгли, мустақил равишда касб танлашлари юзасидан касбий маслаҳатлар бериб борилаётганини таъкидлаб ўтди. Йиғилишда сўз олган мактаб психологи Шаҳноза Саидова ҳам ўқувчилар билан ўтказилаётган психологик-педагогик ташхис методикалари, уларнинг аҳамияти, самарали касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий оқибатлари ҳақида сўзлади.

— Ҳозирги кунда ўқувчиларни жаҳон андозалари асосида жиҳозланган, ўқиш, касб ва ҳунар танлаш учун барча шарт-шароитларга эга лицей, касб-ҳунар коллежлари кутмоқда. Улар бу ўқув даргоҳларида билим олиш ҳамда касб-ҳунар ўрганиш билан бирга яна қўшимча ихтисосликларга ҳам эга бўладилар, — дейди машинасозлик касб-ҳунар коллежи раҳбари Равшан Жўраев.

— Тадбир давомида англаб етдимки, касбларнинг яхши-ёмони бўлмайди. Биз ўзимизнинг қалбимизга қулоқ солиб қизиқишимиз, қобилиятимиз ҳамда имкониятимизга қараб касб-ҳунар танлашимиз керак экан, — дейди битирувчи Комил Миразизов.

Ёшларнинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишларида мактаб ҳам, оила ҳам бирдек масъул эканлиги йиғилиш давомида айтиб ўтилди. Мактабнинг 8-синф ўқувчилари томонидан тайёрланган бадиий дастур, инглиз тили ва «Ёш актёрлар» тўгараги аъзоларининг чиқишлари тадбирга ажиб бир кўтаринкилик олиб кирди.

Анвар ҚОБИЛОВ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактабда ҳам 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги тури билан тўла қамраб олишга катта аҳамият берилмоқда.

Мактабда касб-ҳунарга йўналтиришга хизмат қилувчи психолог хоналари мавжуд бўлиб, мактаб раҳбари Динара Паттохова, илмий бўлим мудири Дилбар Ҳусанова, маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Гулмира Қорабоева, касб-ҳунарга йўналтириш ўқитувчиси Васила Ҳожиева, шунингдек, барча синф раҳбарлари ўқувчиларни таълимнинг кейинги тури билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида мактабда тез-тез очиқ дарс, мулоқот ва учрашувлар ташкил этишаётир.

2008—2009 ўқув йилида 9-синфни тамомлаган 194 нафар битирувчиларнинг 30 нафари академик лицейларда, 163 нафари эса касб-ҳунар коллежларида таҳсил олишмоқда.

Инсон ҳаётида танлаган касбининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис жамоа ўқувчиларнинг касб танлашда адашмаслиги, қийналмасликлари учун уларни ҳар ойда пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига экскурсияларга олиб бораётир. Ундан ташқари мактабда ота-оналар мажлиси ташкил этилиб, касб-ҳунар коллежлари вакиллари иштирокида ўрта махсус таълим масканларидаги шарт-шароитлар, мутахассисликлар ва уларнинг имкониятлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга тўғри йўналтиришда ўрта махсус таълим масканларининг ёрдамлари жуда катта. Жумладан, Шайхонтоҳур транспорт ва тиббиёт коллежлари ҳамда ЎзМУ қошидаги академик лицейларнинг мактаб билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган бўлиб, ушбу масканларда ўқувчилар учун амалий машғулотлар ташкил этиляпти.

Яқинда бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар» марафонида ҳам мактабнинг 1-қаватида касб-ҳунарга йўналтириш бўйича бурчаклар, маълумотномалар, буклет ҳамда альбомлар кўргазмаси намойиш этилиб, унда пойтахтимиздаги бир қанча академик лицей ва коллежлардан вакиллар иштирок этишди.

Тадбирда, шунингдек, 164 нафар 9-синф битирувчиларидан олинган тест натижалари таҳлил қилиниб, психологлар ёрдамида улардаги касб-ҳунарларга бўлган қизиқиш ва мойиллик даражалари аниқланди. Мазкур хулосаларга келишда ўқувчиларнинг ота-оналари ва синф раҳбарлари психологларга яқиндан ёрдам беришди.

Зебо НАМОЗОВА

«Ochiq eshiklar kuni»

Пойтахтимиздаги 186-мактабда касб-ҳунарга йўналтириш бўйича бўлиб ўтган "Очиқ эшиклар куни" тадбири икки қисм — назарий ва амалий тарзда ташкил этилди. Тадбирнинг биринчи қисмида ўқувчиларга очиқ дарс машғулотлари, давра суҳбати уюштирилиб, касб-ҳунарларга оид маълумотлар билан таништирилди. Шундан сўнг, илм масканида фаолият кўрсатаётган фан ва спорт тўгаракларида ўқувчилар амалий машғулотлар олиб борди. Эътиборлиси, тадбирга ташриф буюрган ота-оналар ўз фарзандларининг тўгаракларда тайёрлаган ҳунармандчилик ва тикувчилик намуналарини кўздан кечириб, катта таассуротлар билан қайтди.

Суратларда тадбирдан лавҳалар акс этган.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР

таълим самарадорлигини оширади

Fikr

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчи билимларнинг 83 фоизини кўриш ва 11 фоизини эшитиш орқали ўзлаштирар экан. Шундай экан, иқтисод фанига оид дарслар давомида ҳам кўз орқали ахборот қабул қилиш учун мўлжалланган барча воситалар (синф доскасидаги ёзувлар, мультимедиа воситалари, тарқатма материаллар ва бошқа кўргазмали қуроллар)дан фойдаланишга жиддий аҳамият қаратиш лозим.

Ўқувчининг келажаги кўп жиҳатдан мактабларда ўтилаётган дарсларнинг сифати, қолаверса, ўқитувчининг изланувчанлигига боғлиқ.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг юқори синф, ихтисослаштирилган мактабларнинг эса 5—9-синф ўқувчилари иқтисодий билим асослари фанини чуқур ўзлаштириб келмоқда. Бизнинг мактабимизда асосий эътибор бошқа фанларга нисбатан мураккаброқ кўринган иқтисодий билим асосларини ўқувчиларга ҳаётий мисоллар, ўзига хос янги усуллар, видео ва аудиоматериаллардан фойдаланган ҳолда тушунтиришга қаратилади.

Иқтисодга оид фанларни ўтиш жараёнида аниқлик, тўғрилик ва таъсирчанлик мезонлари алоҳида аҳамиятга эга. Фанни ўтишда фойдаланиладиган қўлланмаларда назарий хулосаларнинг амалиёт билан боғлиқ ҳолда баён этилиши жуда муҳим. Мавзу ва бобларга оид илмий қоида ва хулосалар, диаграммалар, жадваллар Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар амалиёти билан боғланиши ҳам эътиборсиз қолмаслиги зарур. Кўргазмали қуроллар, энг аввало, илмийлик тамойилига асосланиши, атама ва таърифлар аниқ, иқтисодий қонун-қоидалар эса ҳаётий мисоллар билан исботланган бўлиши лозим. Улар ўқувчининг ўқитувчи берган маълумотлар билан чекланиб қолмасдан, масалага мустақил ёндашиши, янгича фикрлаш ва ўз қарашларини баён этиш имкониятини кенгайтиради.

Малика ЖЎРАЕВА,
Тошкент шаҳридаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умутаълим мактаби иқтисод фани ўқитувчиси

Dolzarb mavzu

«БОЛАНИНГ БЎШ ВАҚТИ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК!»

Бугунги кунда болалар таълим олишдан бошқа яна нима билан банд деб ўйлайсиз? «Бадиий китоб ўқийди». Ишончим комилки, бу гапга ўзингиз ҳам ишонмайсиз. «Ётиб олиб телевизор кўради!». Ҳа, бу фикр ҳақиқатга жуда яқин. «Спорт билан шуғулланади!». Афсуски, ҳаммаси ҳам эмас.

«Виртуал олам билан мулоқот қилади». Ҳа, энди топдингиз!

Гап нима ҳақда кетаётганини англагандирсиз. Дарҳақиқат, бугун аксарият болаларнинг бўш вақти компьютер қаршисида ўтмоқда. Биз компьютер ўйинлари, уларнинг болаларга кўрсатаётган таъсири хусусида педагогика фанлари доктори, профессор Шаҳноза ХАЛИЛОВА билан суҳбатлашдик.

— Бугун компьютер ўйинларини ўйнаш болалар орасида «мода»га айланган десак муболаға бўлмайди, назаримда. Бу ўйинларнинг бола тарбиясига кўрсатадиган таъсирини айтишдан олдин бола психологияси ҳақида тўхталсангиз?

— Инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида уч омил катта роль ўйнайди. Биринчи омил — **ирсий** бўлиб, бу ота-онадан генетик белгилар орқали ўтадиган дастур бўлса, иккинчиси, бола ўсиб-улғаядиган ташқи **муҳит**дир. Муҳит биологик ва ижтимоий турларга бўлинади. Биологик муҳит табиий олам бўлса, ижтимоий муҳитни жамият аъзолари ташкил этади. Ижтимоий муҳит ҳам ўз навбатида микро ва макромуҳитдан иборат. Микромуҳитга оила, ота-она, яқинларни киритсак, кейинчалик боғча, таълим муассасаларида билим олиб, бирор иш билан шуғуллана бошлаганида инсон макромуҳитнинг таркибий қисмига айланади. Шу тариқа, таъсир доираси ҳам кенгая боради. Учинчи омил эса, болага бериладиган **тарбия**дир.

Боланинг хаёлот дунёси фантазияга жуда бой. Ўша хаёлот дунёси билан у 12 ёшгача яшайди. Кўрган мультфильми ёки ўқиган бадиий асари қаҳрамонлари унинг учун реал шахсларга айланади, уларга тақлид қилади ва тафаккури шу асосда шаклланиб боради. Бола руҳияти шундай хусусиятга эгаки, ҳозир кулиб туриб, шу лаҳзанинг ўзида йиғлаши ҳам мумкин. Бу ҳолат, бир томондан, беғуборлик, дея талқин қилинса; иккинчи томондан бола руҳиятининг ўта таъсирчан эканлигини кўрсатади.

— Боланинг нозик руҳиятига нималар салбий таъсир кўрсатади?

— Ўсиб келаётган бола руҳиятига зўравонлик, босқинчилик каби воқеалар акс этган даҳшатли лавҳалар, қаттиқ қўрқиш жиддий шикаст етказиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ота-онадан бола кўраётган кино, эшитаётган мусиқа ва ўйнаётган ўйинларга эътибор бериш, назорат қилиш талаб этилади.

— Бугунги кунда бола онгининг шаклланишида қандай омиллар муҳим ўрин тутади?

— XXI аср боласи билан бундан 10 — 20 йил олдинги бола орасида катта фарқ бор. Чунки бугунги авлод юқори технология ва жуда катта ахборот оқими таъсирида яшамоқда. Мана шу ахборот олами бола тафаккурини шакллантирувчи омил бўлиши билан бирга, унинг ҳаётда эгаллайдиган ўрни, характерини ҳам белгилаб бермоқда. Боланинг ОАВ, виртуал оламдан олаётган маълумотлари унинг дунёқарашини озиқлантирувчи асосий манбага айланаяпти. Компьютер ўйинлари ҳам бундан мустасно эмас. Аксарият болалар эса, бу ўйинларнинг «асир»ига айланиб қолмоқда.

— Келинг, шу ўринда компьютер ўйинларини иккига, яъни ижобий ва салбий гуруҳларга бўлсак-да, уларнинг яхши-ёмон жиҳатлари хусусида фикрлашсак...

— Кўпчиликка маълум, компьютер ўйинлари болаларни фикрлашга ўргатади, ақлий жиҳатдан камол топишига хизмат қилади. Шу билан бирга, хотирани ҳам мустаҳкамлайди. Таълим олишда қўл келадиган математик амаллар, тасвир орқали замонавий дунёни ўрганишга доир ўйинларни шулар сирасига киритиш мумкин. Лекин тадқиқотлар кўрсатаётирки, боланинг компьютер қаршисида узоқ ўтириши унчалик ҳам яхшиликка олиб келмайди.

Баъзи компьютер ўйинлари эса, болаларнинг руҳияти ва тарбиясига катта хавф солади. Умуман, ўйинлар болаларнинг вақтини ўғирлаш билан бирга, уларни реал ҳаётдан узиб, виртуал оламга боғлаб қўймоқда. Аслида хаёлот дунёси ҳаётимизни акс эттирмай, кўпроқ фантазия билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам виртуал олам билан кўп мулоқотда бўлган бола ўз «дунёси» билан яшайдиган «интроверт» типдаги инсонга айланиб қолади. Бундай мулоқот айрим ҳолларда ўта салбий оқибатларга олиб келаётгани тадқиқотларда ўз исботини топган.

Бугун кўпчилик болалар компьютер ўйинларига кўр-кўрона муте бўлмоқдалар. Бола ўйинга муккасидан берилиб кетиши оқибатида компьютерга бутунлай қарам бўлиб қолади ва уни тарк этолмайди. Бу каби ҳолатлар кундан-кунга глобал тус олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Баъзи мутахассислар бу муаммодан кўпроқ Япония, АҚШ ва Хитойнинг жабр кўраётганини таъкидлашмоқда. Бу мамлакатларда компьютер ўйинлари таъсирида ҳатто ҳалок бўлаётган ўсмирлар сони ошиб бормоқда. Мазкур ҳолатнинг сабаблари текширилганда, болаларнинг ўйинни охирига етказолмагани ёхуд ютқазиб қўйганидан асабийлашиб, узлуксиз равишда қаҳва ёки тамаки истеъмол қилишга одатланиб қолганлари маълум бўлди. Россия олимлари ўтказган тадқиқотларга кўра, балоғат ёшидаги жиноятчиларнинг 75 фоизини ОАВ материаллари ҳамда компьютер ўйинларидан олган таассуротлари оқибатида жиноятга қўл урган болалар ташкил этиши тасдиқланди.

— Хўш, сурункали равишда компьютер ўйинларини ўйнаган, улардаги зўравонлик, тунаш, бировга жабр қилиш орқали муваффақиятга эришиш каби лавҳаларни кўриб вояга етаётган болада қандай хислат ёки иллатлар шаклланиши мумкин?

— Компьютер ўйинларини ўйнаш жараёнида бола шу оламнинг ичига кириб кетади. Ўзи идрок этмаган ҳолда ўйин руҳи билан яшайди. Тугагандан кейин ҳам 2-3 соатгача унинг тасаввурида ўйиндаги воқеалар давом этади. Оқибатда бола кимнидир уриши, тажовузкорона ҳаракатлардан ўзини тиёлмаслиги мумкин. Агар ўйинда кимгадир зўравонлик қилиш орқали лаззатланиш кадрлари бор бўлса, бола шуни реал ҳаётда такрорлашга ҳаракат қилиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ҳам виртуал олам «шарофати» билан агрессивликни юқтириб олганлар орасида жиноятга қўл урган ўсмирлар кўп учрамоқда.

Салбий турдаги ўйинлар болада раҳмдиллик хислатларини «ўлдириб», шафқатсизликни шакллантиради. Оқибатда эстетик завқ олишдан мосуво, ўз «олами»дан бошқага қизиқмайдиган, бепарво ва ҳиссиз кимсалар етишиб чиқиши мумкин. Зўравонлик ва жиноят кўринишлари акс этган ўйинлар бола тасаввурида "Шундай қилиш мумкин!", деган тушунчани яратади. Эътибор берсак, баъзи ўйинларда жиноятчилар одатда жазосиз қолади. Бу ҳам болада "Шундай қилса, ҳеч нима бўлмас экан!", деган фикрни туғдириши мумкин.

— Лекин шу жиҳати ҳам борки, бугун ҳаётимизни техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу жумладан, болаларни ҳам улардан ажратиш қийин масала. Сизнингча, қандай йўл тутсак мақсадга мувофиқ бўларди?

— Тўғри, компьютер технологияларини билиш замон талаби. Бунда, энг аввало, ота-она боланинг бўш вақти мазмунли ўтишини ташкил этиши, уларни кўпроқ ижтимоий меҳнатга жалб қилиши лозим. Тан олиш керакки, бугунги кунда аксарият болалар жисмоний иш билан кам шуғулланганликлари оқибатида меҳнатдан келадиган завқдан маҳрум бўлмоқдалар. Зеро, меҳнат инсон маънавий дунёсини бойитувчи асосий воситадир.

Ахборот асри бизга масофасиз, кўп пул ва вақт сарфламасдан катта ҳажмдаги маълумотларни тезкор олиш имкониятини бермоқда. Бу масаланинг ижобий тарафи. Лекин глобал ахборотлашувнинг салбий томонлари ҳам бор. Масалан, виртуал оламдаги мулоқотда биз иккинчи томонда ким борлигини, унинг мафкуравий мақсади нималигини, бизга қандай психологик таъсир ўтказмоқчилигини англай олмаймиз-ку?

Яна такрорлайман, бунда, биринчи галда, ота-онанинг роли, назорати ва боласини тўғри йўлга йўналтириши муҳим ўрин тутади. Яъни, боланинг вақтини умуман бўш қолдирмаслик керак. Уни спортгами, маданият, санъат, бадиий адабиётгами жалб қилса, нур устига нур бўлади. Афсуски, ҳозирда болаларнинг кўпчилиги бадиий китоб ўқимай қўйди. Ҳаттоки унга қизиқиш ҳам йўқолиб бормоқда. Чунки улар аллақачон компьютернинг «ошуфтаси»га айланиб улгуришган. Ваҳоланки, биз «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» каби китобларни ўқиганимизда оладиган завқ, маънавий озуқани ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди.

— Ота-онаси тушликка ёки дафтарга берган пулини ҳам ўйламасдан сарфлашга тайёр болаларни бу ўйинлар, сизнингча, нимаси билан ўзига боғлаб қўймоқда?

— Ахборотга бўлган эҳтиёж ҳар кимда ҳар хил: катта ёшдагиларни об-ҳаво ёки нархлар, ўрта ёшлиларни молиявий инқирознинг ўсиш динамикаси, талабаларни кўпроқ севги сайтлари қизиқтиради. Ўсмирларни эса, бевосита компьютер ўйинлари ўзига жалб этади. Психологияда «мотивация» деган тушунча бор. Яъни, шу ўйинлардан қандайдир баҳра олгани учун ҳам бола унга интилаверади.

— Компьютер ўйинларидан келаётган хавфдан болаларни ҳимоялаш учун нима қилишимиз керак деб ўйлайсиз?..

— Аввало, болага табиат, мусиқа, санъат, адабиётга оид китоблардан завқ олишни ўргатишимиз керак. Бу бевосита оилада шаклланади. Жамиятда эса, ОИЛА + ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ + МАҲАЛЛА + ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ бир йўналиш бўйича ҳамкорликда иш олиб борсалар, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бу ҳамкорлик «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўзланган **баркамол шахс** тарбиясини таъминлашга хизмат қилади.

Психолог билан суҳбатимиз тугагандан кейин тўғри компьютер клубларидан бирига кириб, болалар кўп ўйнайдиган ўйинлар ҳақида баъзи маълумотларни тўплашга уриндим.

Gta. Бу ўйин болалар орасида жуда машҳур. Унда «қатнашар» экансиз, тун сизга пешвоз чиқади. Қора тун ҳам инсонда қандайдир тушкунлик кайфиятини уйғотади. Бу ўйинда мафиянинг буйруқларини бажариш шарт. Мафия эса ўйинчига ҳар хил топшириқлар беради. Ўйинчи, ҳар қандай усулни қўллаб бўлса-да, уларни бажариши керак! Бировнинг машинасини ўғирлаш, одам ўлдириш, тунаш, муштлашиш ўйин жараёнида оддий ҳолатга айланади. Уни ўйнаётган болаларга назар ташласангиз, одам ўлдириш ёки бировни тунаш асносида ачиниш, раҳм-шафқат, кечириш деган туйғулар улар учун умуман ёт эканлигини кўрасиз.

Counter Strike ҳам болалар наздида, «унчалик қўрқинчли эмас». Лекин унда ютиб чиқиш учун фақат одам ўлдириш керак. Агар сен отмасанг, сени отишади. Ахир, бу ҳолат қандай қилиб қўрқинчли бўлмаслиги мумкин?! Ўйин асосан харобага айланган биноларда бир неча босқичда кечади. У ерда тасвирланган нохуш манзаралар, сачраган қон излари, мурдаларни кўриб, мазангиз қочиши тайин. Лекин, афсуски, болалар бундай манзараларга лоқайдлик билан, ҳиссиз қарашади.

Футбол. Бу спорт тури фақат компьютер ўйини сифатида эмас, балки реал ҳаётда ҳам энг машҳури ҳисобланади. Баъзилар ҳаётда футболга қизиқмаслиги, уни ўйнамаслиги мумкин. Аммо зангори экран орқали мусобақани, айниқса, нуфузли чемпионатларни мириқиб томоша қилиши аниқ. Виртуал футболда эса, ўйинлар худди ҳаётдагидек ишонарли. Сиз истаган терма жамоа, клуб, ўйинчини танлашингиз, рақибнинг ўйин тактикасидан бохабар бўлишингиз мумкин.

Тўғри, бу ўйинлар ҳам маълум маънода керак. Болалар бўш вақтининг муайян қисмини шуларга йўналтириш уларнинг футболга бўлган муҳаббати ёки билимини оширади. Компьютердан ўрганган услубларини амалиётда ҳам қўллаши яхши самара бериши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, ёшлар мазкур ўйинга замонавий футболнинг «мультипликацион кўриниши» сифатида қарашмоқда. Гарчи шундай бўлса-да, унинг тўрига бутунлай илиниб қолмаслик керак, назаримда.

«Қоч!»,«Ўлдираман!», «Ҳозир отиб ташлайман!»... Совуқ оҳангдаги бу гаплар, таҳдидлар ўғри ёки жиноятчилар тилидан эмас, афсуски, эртанги кунимизнинг эгалари тилидан бот-бот «янграб», жажжи қўллари томонидан амалда қўллаб кўрилмоқда. Ахир бу ўйин-ку, деймиз ўзимизни овутиш ва бу борадаги масъулиятдан соқит қилиш учун. Аммо, болаларнинг ўйинда кўрган лавҳаларини ҳаётда синаб кўрмаслигига ким кафолат беради? Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаш фурсати етмадимикан?

Соҳиба МУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

Metodik tavsiya

Ta’lim muassasalarida fanlarning o‘qitilish samaradorligini oshirishga amaliy va metodik yordam berish, umumta’lim maktablarida fanlarning o‘qitilish sifatini yaxshilash, o‘qituvchilarning dars berish uslublarini takomillashtirish maqsadida Xalq ta’limi vazirligining 2009-yil 11-sentabrdagi «Umumta’lim muassasalarida “Fan oyliklari”ni o‘tkazishni takomillashtirish to‘g‘risida”gi 252-sonli buyrug‘iga asosan joriy yilning mart oyida fizika, kimyo, biologiya fanlari oyligi o‘tkaziladi.

Respublika ta’lim markazi tabiiy fanlar bo‘limi tomonidan tayyorlangan quyidagi tavsiyalar fan oyligini mazmunli o‘tkazishda barcha maktab o‘qituvchilariga umumiy yo‘nalish beradi.

Mart — fizika, kimyo, biologiya fanlari oyligi

FIZIKADA HAYOTIY BILIMLAR

O‘quvchi-yoshlarning ma’naviy barkamol insonlar bo‘lib yetishishlari, ijodiy va mantiqiy fikrlash ko‘nikmalarini tarkib toptirishda tabiiy fanlarning o‘rni beqiyosdir.

Oylik davomida fizika fani yo‘nalishi bo‘yicha tashkil etiladigan tadbirlarda mazmun va shakl jihatidan ayni shu maqsadlarni rejalashtirish lozim. Bunda o‘quvchilarning bilim olishga bo‘lgan intilishlarini har tomonlama rivojlantirish, iqtidorli o‘quvchilar bilan ishlash tizimini yanada takomillashtirishga asosiy e’tibor qaratilishi maqsadga muvofiq. Shu bilan birgalikda o‘qituvchining ijodiy faoliyatini kuchaytirish, iste’dodli, izlanuvchan, ijodkor pedagoglarni aniqlash va ularning ish tajribalarini o’rganish hamda targ’ib qilishda fan oyligining o’ziga xos o’rni bor.

Oylikni samarali va mazmunli tashkil etish uchun quyidagi omillarni e’tiborga olish maqsadga muvofiqdir:

• fizika fani bo‘yicha o‘quvchilarning DTS va o‘quv dasturlarini o‘zlashtirish darajasini aniqlash maqsadida oy boshlanishi va oxirida test topshiriqlari, yozma ishlar olish hamda ularni tahlil qilib, aniqlangan bo‘shliqlarni to‘ldirish bo‘yicha metodik tavsiyalar tayyorlash;

• maktabda fan oyligi burchagi tashkil etiladi. Unda me’yoriy hujjatlar, tadbirlar rejasi, tahlillar, fan yangiliklari, o‘quvchilarning mustaqil ishlari uchun fizikaga oid qiziqarli savollar, «Buni bajaring, qiziq!», «Bilimingizni sinab ko‘ring» kabi qiziqarli tajribalar, fizik loto, boshqotirmalar tuzish, ilg‘or ish tajribalaridan namunalar o‘z aksini topadi;

• noan’anaviy ochiq darslar, olimlar, darslik mualliflari, ilg‘or tajribali o‘qituvchilar bilan davra suhbatlari, kasbga yo‘naltirish maqsadida oliy o‘quv yurtlari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlariga sayohatlar uyushtirish, darsdan va sinfdan tashqari «Bilimdonlar», «Zehnlilar bahsi» bellashuvlari, «Fizika — hayotda», «O‘yla, izla, top» kabi tadbirlarni o‘tkazish hamda o‘quvchilar qo‘li bilan yaratilgan ijodiy ishlar ko‘rgazmasni tashkil etish;

• har bir tuman (shahar)dagi zamonaviy o‘quv-laboratoriya jihozlari bilan ta’minlangan tayanch maktablarda laboratoriya asbob-uskunalaridan samarali foydalanish bo‘yicha seminar-treninglar o‘tkazish;

• har bir tuman (shahar)da zamonaviy axborot texnologiyalari asosida fizika fanidan yaratilgan elektron darsliklar, o‘quv filmlaridan samarali foydalanish bo‘yicha seminar-treninglar tashkil etish hamda pedagoglarning internet tarmog‘idan foydalanib, fan yangiliklarini o‘quvchilarga yetkazish tajribasini takomillashtirish;

• fan oyligi davomida bajarilgan ishlar, o‘qituvchilarning ish tajribasini ommalashtirish bo‘yicha tashkil etilgan tadbirlar, noan’anaviy o‘tkazilgan ochiq dars ishlanmalari, eng yaxshi referatlar, o‘quvchilar tomonidan tayyorlangan eng yaxshi mustaqil ishlarni ommaviy axborot vositalarida yoritib borishga e’tibor qaratish;

• fan oyligida o‘quvchilarning sinfdan tashqari vaqtlarini mazmunli tashkil etish uchun qiziqarli tadbirlarni uyushtirish mumkin.

“SALOM, FIZIKA” mavzusidagi tadbirni tashkil etishda quyidagi tavsiyadan ijodiy yondashgan holda foydalanish mumkin.

Tadbirni o‘tkazishdan maqsad fizika fanidan olgan bilimlarni namoyish etish, tabiat va undagi hodisalarni turlicha talqin qilish, fizikaning turmushdagi va texnikadagi ahamiyatini tushuntirish, ularni puxta bilim olishga undashdan iboratdir.

“Salom, fizika” mavzusida o‘tkaziladigan tadbirlarda ushbu fanga doir qiziqarli ma’lumotlarni qamrab olish lozim.

Tadbirni maktabning fizika o‘qituvchisi kirish so‘zi bilan ochadi. U o‘z so‘zida tabiat hodisalari, texnikada va turmushda ishlatiladigan asbob-uskunalar, kosmik raketalar va hokazolarning ishlash metodlari fizika fani bilan bog‘liq ekanligi, hamma joyda ushbu fanga murojaat qilinishini tushuntiradi.

Kirish qismidan so‘ng 2-guruh a’zolari o‘zlarini tanishtiradi. Shundan keyin kechaning rasmiy qismi boshlanib, o‘quvchilar she’rlardan namunalar o‘qib beradi.

So‘ngra viktorina savollari berilib, tajribalar ko‘rsatiladi:

1. Jismlar sovuqdan torayadi, deyishadi. Xo‘sh, shunday ekan, nima uchun shisha idishdagi suv muzlasa, idish yorilib ketadi?

2. Idishga uch xil modda: suv, kerosin va simob quyilgan. Ular qanday tartibda joylashgan?

3. Nima uchun sovuq joylarda simobli termometr ishlatiladi?

4. Nima maqsadda sut yoki qatiq solinadigan qog‘oz paketga parafin shimdiriladi?

Tajribalar

1. Tangani ikki mix orasidan o‘tkazing; birinchi holda o‘zini, ikkinchi holda esa tangani qizdirib o‘tkazing. Ikkinchi holda tanga mixlar orasidan o‘tmaydi, nima uchun?

2. Katta shisha banka ichidagi suvga bo‘sh stakanni to‘nkarib tushirsangiz, unga suv kirmaydi. Nima uchun?

3. Plastmassa likopcha (tarelka)dagi suvni stakanga o‘tkazib oling. Tarelkaga ozgina suv solinadi, toza stakan olib, ichiga alanga tashlaymiz va suvli tarelka ustiga to‘nkaramiz. Tarelkadagi suv stakan ichiga tortiladi. Stakanni ko‘tarsak, tarelka ham yuqoriga ko‘tariladi. Stakanni to‘g‘ri qo‘ysak, tarelka yuqorida bo‘lib, stakan pastda bo‘ladi va suv stakanning ichiga joylashadi. Buning sababini izohlang.

4. Paxta yoki yog‘och chizg‘ichni harakatga keltirish. Shisha tayoqchani gazetaga yaxshilab ishqalab, zaryadlab olamiz va yengil paxtaga tekkizamiz. Paxta ham shunday zaryadga ega bo‘ladi. Shisha tayoqchani silkitib, paxtani tushiramiz va shisha tayoqcha havoda shisha tayoqchadan qochib yuradi yoki lampochkaning ustiga yog‘och chizg‘ichni qo‘yib zaryadlangan shisha tayoqchani yaqinlashtiramiz, yog‘och chizg‘ich lampochka ustida aylana boshlaydi. Bunday hodisalarning sababini tushuntiring.

Tadbir yakunida hay’at a’zolari tomonidan g‘olib deb topilgan guruh o‘quvchilari taqdirlanadi.

OYLIKDA TO‘PLANGAN TAJRIBA

o‘quv yili davomida samara beradi

O‘qituvchilar navbatdagi fan oyligini tashkillashtirishda 2010-yil fevral oyidagi «Ma’rifat» gazetasi sahifalarida yoritilgan tavsiyalardan samarali foydalanishlari uchun quyidagilarga e’tibor qaratishlari lozim:

1. Kimyo fani oyligining boshlanishi va yakunida umumta’lim maktablari o‘quvchilari bilimining DTS va o‘quv dasturlariga moslik darajasini aniqlash maqsadida sinflar kesimida sinov testlari olinadi. O‘quvchilarning mazkur fandan o‘zlashtirishi lozim bo‘lgan bilim, ko‘nikma va malakalari monitoringi o‘tkazilib, u metodbirlashmada jadval va diagrammalar asosida tahlil qilinadi.

2. Maktablarda «Zamonaviy o‘quv-laboratoriya jihozlaridan samarali foydalanish» mavzusida o‘quv seminar-treninglari tashkil etiladi.

3. O‘qituvchining o‘z bilimini oshirib borishi, darsdan tashqari tadbirlarni tashkil etish va o‘tkazishga, tayyorlangan dars ishlanmalari mazmuniga alohida e’tibor qaratish kerak.

4. Har bir kimyo fani o‘qituvchisi o‘zi yashayotgan hududda kimyo sanoatining qaysi yo‘nalishi rivojlanganligi va uning mahsulotlari haqida o‘quvchilar to‘liq ma’lumotga ega bo‘lishi uchun ular bilan ishlab chiqarish korxonalariga ekskursiyalar uyushtirib, korxonalardagi kimyoviy texnologik jarayon bilan yaqindan tanishtirish mumkin.

5. O‘quvchilarning faolligini yanada oshirish maqsadida noan’anaviy darslar, davra suhbatlari, sinfdan tashqari «Kimyoni bilasizmi?», «Qiziqarli kimyo», «Kimyo g‘aroyibotlari», «Elementlar so‘zlaydi», «Uy-ro‘zg‘orda kimyo», «Kichik

kimyo olimpiadasi», «Elementlar bayrami» singari tadbirlarni tashkillashtirish maqsadga muvofiqdir.

6. Viloyat va tuman metodika markazlari bilan hamkorlikda «Yosh kimyogar», «Eng yaxshi kimyo laboratoriya xonasi», «Kichik Mendeleyev olimpiadasi» va boshqa ko‘rik-tanlovlar o‘tkazish, fan bilimdonlari bellashuvlari va bahs-munozaralarni tashkil etish fan oyligi ta’sir doirasini kengaytiradi.

7. Kimyo faniga doir «Kimyogar olimlar», «Kimyoni bilasizmi?», «Kichik kimyogar» kabi mavzularda qiziqarli devoriy gazetalar chiqarishni yil davomida yo‘lga qo‘yish lozim. Devoriy gazeta sahifalarida fanga oid qiziqarli ma’lumotlar, internet sahifalaridan olingan fan yangiliklari yoritiladi.

8. O‘quv yili davomida kimyo fanining o‘qitilishi jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish, elektron darsliklar va elektron qo‘llanmalar yordamida o‘quvchilarning bilim darajasini oshirishga e’tibor qaratish muhimdir.

9. Yosh fan o‘qituvchilariga maktab metod birlashmasi, tuman (shahar) metodistlari tomonidan metodik yordam tashkil etish, ilg‘or ish tajribalarini ommaviy axborot vositalarida yoritib borishni tavsiya etish ham o‘z samarasini beradi.

10. Fan oyligini tashkil etish orqali fan uyushmalari va metodbirlashmalari faoliyati samaradorligi oshadi.

11. O‘quvchilarni kasbga yo‘naltirish maqsadida oliy o‘quv yurtlari professor olimlari va o‘qituvchilari bilan uchrashuvlar tashkil etish, oliy ta’lim muassasalari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlariga ekskursiyalar uyushtirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Olib borilgan ishlar tuman (shahar), viloyat miqyosida umumlashtirilib, tuman, shahar xalq ta’limi bo‘limiga o‘z vaqtida hisobot topshiriladi.

BIOLOGIYADA AMALIY MASHG‘ULOTLAR MAROQLI

Fan oyligi davomida biologiya fani bo‘yicha quyidagi maqsad va vazifalar amalga oshirilishi tavsiya etiladi:

• umumiy o‘rta ta’lim maktablarida biologiya fanini o‘qitish samaradorligini oshirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan ishlarni o‘rganish, ilg‘or va ijodkor o‘qituvchilarni aniqlash, ularning ish tajribalariga va erishgan yutuqlariga xolisona baho berish, ijodkorlik va ijtimoiy faollikni qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish;

• yuksak malakaga ega biologiya fani o‘qituvchilarining ish tajribalarini umumlashtirish va ommalashtirish;

• dars, darsdan tashqari ishlar, sinfdan tashqari mashg‘ulotlar va ekskursiyalarda o‘quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etish, boshqarishda hamkorlik texnologiyasiga amal qilish;

• o‘quvchilarning mustaqil ta’limi va ishini tashkil etish, iqtidorli o‘quvchilar bilan ishlash, o‘quvchilarda biologik, o‘quv, amaliy, mustaqil va ijodiy fikr yuritish ko‘nikmalarini rivojlantirish orqali shaxs barkamolligiga hissa qo‘shishga erishish ko‘zda tutiladi.

Biologiya fani oyligini o‘tkazishda o‘qituvchilar ilg‘or pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda quyidagilarga e’tibor qaratishlari lozim:

• fanni o‘qitishda ta’lim metodlari va vositalaridan samarali foydalanish;

• uni o‘qitish shakllari tizimi — dars, darsdan tashqari ishlar, sinfdan tashqari mashg‘ulotlar va ekskursiyalarni o‘z vaqtida samarali tashkil etish;

• laboratoriya va amaliy mashg‘ulotlarni o‘tkazish metodikasi va natijasini ko‘rsata olish;

• o‘qitishda axborot va pedagogik texnologiyalardan, o‘quvchilar uchun tayyorlangan o‘quv topshiriqlari, didaktik va tarqatma materiallar;

• ta’lim jarayoniga mavjud elektron darsliklar va o‘quv filmlarini tatbiq etish;

• o‘quv fani mazmunidan o‘rin olgan boblar bo‘yicha o‘quvchilarning o‘zlashtirgan bilim, ko‘nikma va malakalarini aniqlash, baholash yuzasidan reyting tizimi uchun ochiq va yopiq test topshiriqlari, majburiy standart nazorat ishlarini o‘tkazish;

• biologiyani o‘qitishda ta’lim-tarbiyaning uzviyligini ta’minlash, o‘quvchilar ongi va qalbiga milliy istiqlol g‘oyasini singdirish;

• to‘garaklar, fakultativ mashg‘ulotlar, o‘quvchilarning darsdan tashqari kuzatish va tajribalari bo‘yicha amalga oshirilayotgan ishlar taqdimotini o‘tkazish muhimdir.

Biologiya fani o‘qituvchisi o‘zining ilmiy-nazariy, pedagogik-psixologik va ilmiy-metodik tayyorgarligiga oid bilimlarini oshirish maqsadida tinimsiz izlanishlar olib borishi, hozirgi zamon fan va texnikasi, axborot texnologiyasidan dars jarayonida foydalanishi, fan oyligini o‘tkazish jarayoniga ijodiy yondashishi kerak.

O‘quvchilarda tabiiy bilimlarga bo‘lgan ko‘nikmalarning shakllanishida biologiya fanining o‘rni va ahamiyati beqiyos. Mazkur fan bo‘yicha olingan bilim va hayotiy tajribalar kelgusida o‘quvchilar ongida tabiat ne’matlarini asrab-avaylash, hayvonot va o‘simliklar haqida aniq tushunchalarning paydo bo‘lishiga xizmat qiladi.

Oylikni tashkil etish

Umumta’lim maktablarida fan oyligi bo‘lishanishidan oldin va yakunlanishi arafasida yangi tahrirdagi o‘quv dasturi talablari va modernizatsiya qilingan DTS me’yorlari asosida o‘quvchilar ushbu fani bo‘yicha sinovdan o‘tkaziladi. Bu bilan o‘quvchilarning mazkur fandan o‘zlashtirishi lozim bo‘lgan bilim, ko‘nikma va malakalari monitoringi o‘tkazilib, uni metodbirlashmalarda tahlil qilish tavsiya etiladi.

Shuningdek, fan oyligi mobaynida maktablarning o‘quv-laboratoriya jihozlari, fan kabinetlari, pedagog kadrlar bilan ta’minlanishi o‘rganiladi va o‘quvchilarga laboratoriya jihozlaridan foydalanish bo‘yicha tushunchalar beriladi.

Fan xonasidagi laboratoriya jihozlarining yaroqliligi ko‘rib chiqiladi, didaktik materiallar tayyorlanadi, o‘quvchilarning darsliklar, o‘quv qo‘llanmalari bilan ta’minlanganligi o‘rganiladi.

O‘tkazilgan bayram va kechalar haqida devoriy gazetalar chiqarish, ularda shu fan bo‘yicha qiziqarli ma’lumotlar, internet sahifalaridan olingan fan yangiliklari, o‘quvchilarning o‘zlashtirish samaradorligi ko‘rsatkichlarining berilishi maqsadga muvofiqdir.

Maktablarda shu fan yo‘nalishi bo‘yicha tashkil etilgan metodbirlashma rahbarlari, ilg‘or o‘qituvchilar yordamida ta’lim berish samaradorligini oshirish uchun dars ishlanmalari, test topshiriqlari va nazorat ishlari to‘plamlari tayyorlanishi tavsiya qilinadi.

Maktablarda, tuman miqyosida «Ona tabiatni asrang», «Qushlar va gullar bayrami» kabi tadbir va fan kechalari o‘tkaziladi. Viloyat, tumanlardagi tayanch maktablar qoshida o‘quvchilarning ijodiy ishlaridan namunalar asosida ko‘rgazmalar tashkil etiladi. Maktab, tuman, viloyat va Respublika miqyosida eng yaxshi uslubiy birlashmalar, ilg‘or o‘qituvchilarning, metodistlarning ish tajribalari ommalashtiriladi.

Maktab yillik ish rejasiga kiritilgan, pedagogika kengashi, uslubiy kengash va uslubiy birlashma yig‘ilishlarida ko‘rib chiqilib tasdiqlangan ushbu reja ijrosi muhokama qilinadi.

Namunali darslar

Biologiya fani bo‘yicha eng yaxshi dars ishlanmalari, ijodiy ishlar tanlovi o‘tkazilib, viloyat, tuman fan oyligi yakunida g‘oliblar aniqlanib, rag‘batlantiriladi.

Sinfdan tashqari ishlar

Fan oyligida sinfdan tashqari ishlarni rejalashtirish, o‘quvchilarning olgan bilim, ko‘nikma va malakalarini mustahkamlash, ularning bo‘sh vaqtlarida «Tabiat ne’matlari», «Suv — hayot manbayi» kabi mavzularda fan bilimdonlari bellashuvi, bahs-munozara, ekskursiyalar tashkil etish mumkin.

Oylikni yakunlash

Biologiya fani oyligi yakuniga bag‘ishlangan tadbir o‘tkaziladi. Ushbu tadbir maktab, o‘qituvchilar jamoasining yoshlarga bilim berishdagi qilgan mehnatlari sarhisobi, ulardagi ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish borasida qilingan ishlarni qadrlash va baholash maqsadida tashkil qilinadi. Fan oyligi davomida (maktab, tuman, viloyat miqyosida) o‘tkazilgan turli tadbirlarda faol qatnashgan fan o‘qituvchilari va o‘quvchilar taqdirlanadi.

Hisobot topshirish

Fan oyliklari yakuni tuman xalq ta’limi bo‘limi va viloyat xalq ta’limi boshqarmalari ishlab chiqarish yig‘ilishlarida muhokama qilinib, tahlil etiladi.

Amalga oshirilgan ishlar natijalarini tahlil etish va galdagi vazifalarni belgilash uchun yakuniy hisobotlar yuzasidan umumta’lim muassasalari (3 kun muddatda) tumanga, tumanlar (2 kun muddatda) viloyat ta’lim markazlariga, viloyat ta’lim markazlari (1 hafta muddatda) Respublika ta’lim markaziga oylikni o‘tkazish bo‘yicha hisobot topshiradi.

Hisobot yozma va tasdiqlangan jadvallar ko‘rinishida tayyorlanadi.

• Tasdiqlangan rejadagi tadbirlarning bajarilish monitoringi;

• o‘quvchilarning yangi tahrirdagi DTS bo‘yicha o‘zlashtirishi lozim bo‘lgan bilim, malaka va ko‘nikmalarining monitoringi tahlili natijalari hamda fan oyligi davomida o‘tkazilgan tadbirlarning bilim samaradorligiga ta’siri;

• o‘quvchilarni fanga qiziqtirishda ularni yangi tahrirdagi Davlat ta’lim standartlarida belgilangan bilim, ko‘nikma, malakalarni egallashlari maktab laboratoriya jihozlaridan foydalanishi to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

• internet veb-sahifasida fan oyligi haqida hamda bajarilgan ishlar, o‘tkazilgan tadbirlar va ularning natijalari bo‘yicha berilgan ma’lumotlar;

• fan oyligi yakuniga bag‘ishlab o‘tkazilgan festival haqidagi ma’lumotlar hamda taklif va mulohazalar o‘z aksini topishi kerak.

Respublika Ta’lim markazi tabiiy fanlar bo‘limi

Fevral - matematika va informatika fanlari oyligi

Lola Xolmo‘minova — matematika fani o‘qituvchisi. Qariyb o‘ttiz yildan buyon yosh avlodga ta’lim-tarbiya berishdek mas’uliyatli vazifani fidoyilik bilan ado etib kelmoqda. Uning ish uslubidagi o’ziga xos jihatlaridan biri saboqlarida fanlararo munosabat masalasiga alohida e’tibor qaratadi. Muallimaning fikricha, fanlar bir-biri bilan go‘yoki inson organizmidagi a’zolar misoli bog‘liqki, ular jamlikda haqiqiy va mukammal «puxta o‘zlashtirmoq» degan tushunchani hosil qiladi. Ayniqsa, darslarida o‘quvchilarini milliy g‘urur, o‘zlikni anglash, insoniy qadriyatlarni e’zozlash singari tuyg‘ularni ulug‘lashga o‘rgatishni asosiy maqsadlaridan biri deya hisoblaydi. «Mavzu, albatta, hayotiy misollar asnosida o‘quvchi shuuriga yetkazilmog‘i joiz. Shundagina o‘rgatmoqchi bo‘lgan ilmlarimiz ularning xotirasiga o‘rnashib qoladi», deya uqtiradi ustoz o‘z shogirdlariga. Lola opa dars berayotgan sinf o‘quvchilarining o‘zlashtirish darajasi shahar xalq ta’limi bo‘limi metodika kabineti tomonidan o‘tkazilgan monitoring natijalariga ko‘ra 84-86 foizni tashkil etayotgani esa, uning chindan-da tolibi ilmlarni o‘z faniga qiziqtira olganini dalillab turadi. Jonkuyar murabbiya garchand katta amaliy tajribaga ega bo‘lsa-da, hamon izlanish, o‘qish, yangiliklarga intilishdan tolmaydi. Shu bois ham «Yilning eng yaxshi fan o‘qituvchisi» ko‘rik-tanlovining Navoiy viloyat bosqichida Navoiy shahridagi 10-maktabda faoliyat yuritib kelayotgan Lola Xolmo‘minova yuqori ball to‘plab, tanlovning respublika bosqichida ishtirok etish huquqini qo‘lga kiritdi. Biz uning 9-sinfda «Algebra» fanidan o‘tgan «Ikkilangan burchaklarning sinusi va kosinusi» mavzusidagi bir soatlik darsini kuzatar ekanmiz, matematika va she’riyatning, ma’naviyat sabog‘i-yu aqllar charxining uyg‘unlikda kutilgan samarani beruvchi dars yaratishiga guvoh bo‘ldik.

ISHON, JASORAT ONIDIR BU...

Darsning maqsadi:

• keng mushohadali shaxs ma’naviyatini shakllantirish;

• o‘quvchilarga ikkilangan burchakning sinusi va kosinusi haqida qo‘shimcha ma’lumot berish;

• o‘quvchilarda bilim, ko‘nikma va malaka hosil qilish;

• mavzuni ona tili, adabiyot, ma’naviyat, iqtisod fanlari bilan bog‘lash;

• o‘quvchilarda milliy o‘zligimiz, buyuk ajdodlarimiz bilan faxrlanish tuyg‘usini oshirish.

Darsning uslubi: yangi bilim va tushunchalar hosil qilish, o‘zlashtirish.

Darsning usuli: ko‘rgazmali-amaliy.

Darsning tipi: suhbat, bahs, test sinovi, guruhlarga bo‘linib ishlash, xotira mashqlari.

Darsning jihozi: proyektor, magnitofon, matematik loto, tarixiy manbalar, kompyuter, darslik, trigonometriyaga oid plakatlar.

Darsning tashkiliy qismi tugagach, o‘qituvchi magnitofon tugmasini bosadi:

Inon, jasorat onidir bu,
Senga boqadi jahon, kurash
maydonidir bu...

Ifodali o‘qilgan she’r sinfga o‘zgacha ko‘tarinki ruh bag‘ishlaydi. O‘quvchilar ana shu kayfiyat bilan xotirlarini jam qilishib, o‘zlarini bilim olish va ilmlarini mustahkamlashga tayyorlashadi. Ulardan biri o‘rnidan turib, dars shiorini aytadi. Oxirgi ikki qatoriga boshqalar ham jo‘r bo‘lishadi:

Istiqlol bayrog‘in
baland ko‘targan,
O‘zbekman deb, mag‘rur
ko‘ksini kergan.
Mehr-u muhabbatin
Vatanga bergan,
Ajdodlar ruhini mudom
etgan shod,
Barkamol avlodmiz,
barkamol avlod.

Shundan so‘ng o‘quvchilar guruhlarga bo‘linib, o‘qituvchi ularga navbat bilan tezkor javob talab etuvchi savollar beradi va har bir to‘g‘ri javob rag‘bat kartochkasi bilan taqdirlab boriladi.

Sinusning ta’rifini ayting;
Kosinusning ta’rifini ayting;
Tangensning ta’rifini bilasizmi?
2009—2010-o‘quv yili qanday nomlangan?
45º li burchakni radion o‘lchov birligiga aylantirib ayting.
60º li burchakni radion o‘lchov birligiga aylantirib ayting... Shu kabi qator so‘rovlardan iborat tezkor savol-javoblar nihoyasiga yetgach, o‘qituvchi o‘quvchilarga quyidagi ko‘rinishdagi matematik loto tarqatib, ularning trigonometrik formulalarni qay darajada bilishlarini sinovdan o‘tkazadi. (Javoblar proyektor orqali yoritib boriladi va o‘quvchilar ham o‘z bilimlarini tahlil etish imkoniyatiga ega bo‘ladi.)

Matematik loto

1	Cos (á+β)	Cos α Cosβ — SináSinβ
2	Cos (á-β)	Cos α Cosβ +SináSinβ
3	Sin (á+β)	Sinα Cosβ + CosáSinβ
4	Sin (á-β)	Sinα Cosβ — CosáSinβ
5	tg(á+β)	(tgα + tgβ)/ (1—tgatgβ)
6	tg(á+β)	(tgα — tgβ)/ (1+tgatgβ)

O‘qituvchi: Rahmat, o‘quvchilar, darsdagi faol ishtirokingiz mavzuga daxldor anchagina bilimlarni o‘zlashtirib olganlaringizni ko‘rsatib turibdi. Endi esa yangi mavzuni boshlashdan oldin, jumladan, matematika fani taraqqiyotiga munosib hissa qo‘shgan buyuk siymolardan biri Mirzo Ulug‘bek, uning ilmiy merosi xususida to‘xtalib o‘tmoqchiman. Albatta, sizlarning ham bu haqda tushunchalaringiz bo‘lsa kerak.

Bir necha o‘quvchining javoblari tinglangach, ekranda Mirzo Ulug‘bek siymosi gavdalanib, kadr ortida uning so‘zlari o‘qib eshittiriladi. Shundan so‘ng muallima ekranda namoyon bo‘lgan Mirzo Ulug‘bek tuzgan jadval, uning mohiyatini tushuntirib o‘tgach, yangi mavzu bayoniga kirishadi.

Qo‘shish formulalaridan foydalanib, ikkilangan burchakning sinusi va kosinusi formulalarini keltirib chiqaramiz.

1) Sin2= sin($\alpha+\alpha$)=sinacosa+ sinαcos =
2) sinαcosα
shunday qilib, Sin2 =2 sin cos
1-masala: sin =-0,6
P<a<3P/2
Sin2α=?
Yechish: P<α<3P/2
bo‘lgani uchun cosa<0 bo‘ladi va shuning uchun:
cosα=-1-sin$^2\alpha$=-1-0,36=-0,8
demak, Sin2α=-1,2.(-0,8)=0,96
cos2α=cos(a-a) - cosαsosα+sinasinα = cos$^2\alpha$ - sin$^2\alpha$
Shunday qilib, cos2α = cos2α - sin2α
2-masala: cosα=0,3 bo‘lsa, cos2α ni toping
Yechish: cos2α=cos$^2\alpha$ - sin$^2\alpha$ - cos$^2\alpha$ - (1- cos$^2\alpha$)=2 cos$^2\alpha$-1=2.(0,3)^2=-0,82

Tg2αni keltirib chiqarish o‘quvchilarga topshiriq qilib berilganligi sababli o‘quvchilar sinf taxtasida ishlab ko‘rsatishadi. Sinf ishi davomida 338-340-misollarning toqlari yechiladi.

O‘tilgan mavzuni mustahkamlash maqsadida o‘quvchilar bilan matematik diktant o‘tkaziladi. Mazkur diktant ham ekran ortidan ikki xil ovozda o‘qiladi va o‘quvchilar diktantni tinglab, daftarlariga misollarni ishlaydilar.

O‘quvchilar tomonidan berilgan savollarga javoblar aytilib, mavzu to‘ldirilgach, o‘qituvchi mavzuni yakunlaydi va rag‘bat kartochkalarini hisoblab, faol guruhni aniqlaydi, ularni baholaydi.

Uyga vazifa: Tg2ani qo‘shish formulasi yordamida keltirib chiqarish. Darslikda berilgan 338-343-misollarning juftlarini yechish.

Darsni O.MURODULLAYEVA kuzatdi.

Sinf rahbari ushbu to'plangan ma'lumotlar asosida faoliyatini tashkil etishi natijasida o'quvchi shaxsiga va uning oilasiga yaqinlashadi.

Ma'rifat –
2010-yil 24-fevral

Sinab ko'ring

Ўқувчи учун ўқитувчи эътибори ҳар доим муҳим. Шу боис у дарсларини вақтида тайёрлашга, устозининг топшириқларини бажонидил бажаришга интилади. Тажриба шуни кўрсатадики, ўқувчининг мактабдаги ўзини тутиши, фанларни ўзлаштириши, атрофдагиларга муносабатида синф раҳбарининг ўрни катта. Одатда синф йиғилишлари, тарбиявий соатлар, ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар бир хил меъёрдаги режа асосида давом этади, бу йилдагисини кейинги йилда яна қўллайдиганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Ваҳоланки, ҳар бир синфнинг, ундаги 28-30 нафар ўқувчининг ўз турмуш тарзи ва фақат ўзигагина хос психологияси бор. Шуни инобатга олиб, мактабимизда ўқувчилар билан ишлаш сифатини янада ошириш учун ушбу сўровномани ишлаб чиқдик. Муҳими, унда нафақат мавжуд ҳолат, балки олиб бориладиган ишлар режаси учун зарурий мезонлар ҳам аниқланади. Сиз ҳам ўз мактабингиз шароитидан келиб чиқиб, унга қўшимчалар киритишингиз ва амалиётда фойдаланиб кўришингиз мумкин.

СИНФ РАҲБАРИ

ўқувчи қалбига қандай йўл топгани маъқул?

Ўқувчи шахсини аниқлаш юзасидан сўровнома.

Т.р.	Ўқувчи тўғрисида аниқланадиган маълумотлар бўйича саволлар	Аниқланган маълумотлар	Ўқувчига қандай имкониятлар беради?	Ўқувчи учун қандай тўсиқлар бор?
1	Ўқувчи оилада нечанчи фарзанд?			
2	Оилада ўғил болалар кўпми ёки қиз болалар?			
3	Ўқувчининг ота-онаси ҳақида маълумот (Ўгай эмасми?)			
4	Ўқувчининг дўсти борми?			
5	Ўқувчининг соғлиги қандай ҳолатда?			
6	Ўқувчининг атроф-муҳитга муносабати қандай?			
7	Ўқувчининг китобхонлик даражаси қандай?			
8	Қайси фан ёки ҳунарга қизиқади?			
9	Ўқувчининг орзуси нима?			

Аниқланган маълумотлар асосида ишни режалаштириш осон кечади. Синф раҳбари томонидан ушбу маълумотлар олиниб, унинг имконият ва тўсиқлари белгиланиб чиқилгач, ҳар бир ўқувчи билан ишланадиган йўналиш белгиланади.

Улар қуйидагиларга ажратилади:

• Ота-она билан олиб бориладиган ишлар (якка, гуруҳда);

• Ўқувчи билан якка тартибда ўтказиладиган суҳбат мавзулари;

• Синф раҳбари томонидан ўтказиладиган тарбиявий соат мавзулари;

• Ота-оналар учун ўтказиладиган ўқув-семинарлар йўналишлари;

• Мактаб психологи билан режалаштириладиган ишлар.

Синф раҳбари ушбу тўпланган маълумотлар асосида фаолиятини ташкил этиши натижасида ўқувчи шахсига ва унинг оиласига яқинлашади. Бу ҳолат ўқувчининг атроф-муҳитга бўлган муносабатига, ўқув фанларини ўзлаштиришига таъсир этади. Муҳими, ўқувчининг шахс сифатида шаклланишига, мавжуд қобилиятининг ривожланишига замин яратилади.

Манзура НАЗАРОВА,
Сергели туманидаги 104-мактабнинг биология фани ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

ҚАНОТ ҚОҚҚАН ОРЗУЛАР

E'tirof

Нуфузли танловларда иштирок этиб, унда ғолиб бўлишнинг қувонч ва масъулияти ўзгача. Рағбат ҳар қандай соҳада инсонни келгуси орзу-мақсадлар йўлида сабот ва матонат билан курашишга чорлайди. Жиззах вилояти халқ таълим бошқармасига қарашли кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернати ўқувчиси Қосим Тошпўлатов ҳам бир неча кунлардан бери ана шундай ҳаяжон билан яшамоқда. Унинг лауреат бўлганлиги тўғрисидаги хушхабар тезда мактабга тарқалди. Тенгдошлари, устозлари уни муваффақияти билан қизғин қутлашмоқда.

Қосим Тошпўлатов барча фанларни яхши ўзлаштириш билан бирга санъат шайдоси ҳамдир. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Камалак" болалар ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган "Янги авлод — 2009" болалар ижодиёти фестивали унинг орзуларини амалга оширди. Фестивалнинг вилоят босқичида вокал-анъанавий ва академик ижро, эстрада, фольклор ҳамда хор йўналиши бўйича ғолиб бўлди. Бу ютуқ уни янада янги зафарларга, фестивалнинг республика босқичида муваффақиятли иштирок этишига куч ва даъват бағишлади.

Фестивалнинг республика босқичи пойтахтимизнинг "Ёшлар" ижод саройида бўлиб ўтди. Қосим иштирок этаётган йўналиш бўйича эса ғолибликка даъвогарлар 80 нафарни ташкил этади. Улар орасидан ғолиб чиқиш қанчалар машаққатли эканлигини ҳис этиш қийин эмас. Санъатга чин дилдан ихлос қўйган Қосим ўз мақсадларига эришиш йўлида асло чўчимади. Бу борада устози Шавкат Муродов уни асло чўчимасликка даъват этди.

Қосим катта саҳнада Машраб ғазали билан «Тасаддуқ» қўшиғини ижро этар экан, бутун вужуди, фикр-хаёлини ягона мақсад – қўшиқни маромига етказиб ижро этишга қаратди. Сўзларнинг мусиқа оҳангида жўровоз бўлишига интилди.

Ҳаяжон фақатгина унинг ўзигагина аён. Шу тариқа ёш истеъдод соҳиби Қосим Тошпўлатов танловнинг вокал анъанавий ва академик ижро йўналиши бўйича лауреат бўлди.

— Қосим Тошпўлатовнинг бу ютуғи тасодиф эмас, — дейди устози Шавкат Муродов. Унинг санъатга бўлган қизиқиши ўзгача. Бу борада устозлар маслаҳатига қатъий амал қилади. Мақом йўналишидаги қўшиқларни ўзгача бир иштиёқ ва маҳорат билан ижро этади. Санъатга, қўшиқ ижрочилигига масъулият билан ёндашади. Ҳар бир сўз устида қунт билан ишлайди. Ана шу изланишлар юқоридаги ютуқларнинг асосий боиси деб ўйлайман.

Истеъдодларни кашф этишда «Янги авлод» болалар бадиий ижодиёти республика фестивали ўзининг бетакрорлиги, санъатнинг сеҳрли ва мафтункор дунёсига ошно бўлган мурғак қалб соҳибларини рўёбга чиқаришда ўзига хос синов вазифасини ўтамоқда. Гўзаллик ва баркамоллик байрамига айланиб бораётган ушбу фестивал янги номларни кашф этишга, уларнинг ижодини республика ва халқаро миқёсда танитишга имкон яратмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЯХШИ БИЛИМ ОЛИШ ЎҚУВЧИ МАҚСАДИ

Jarayon

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратилаётган тўкис шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг қадрига етиш, замон талаблари даражасидаги жиҳоз, асбоб-ускуналар билан таъминланган, ёруғ ва кенг ўқув масканларини асраб-авайлаш ва унга муносиб бўлиш баркамол авлоднинг эзгу мақсадидир.

Қарши шаҳридаги 2-боғча-мактаб мажмуасидаги шароитларни, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган интилишларини кўриб, юқоридаги фикрга амин бўлдик. Узлуксиз таълим тамойиллари асосида таълим-тарбия ишларини самарали олиб бораётган бу масканда 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган 300 нафарга яқин тарбияланувчилар ва мингга яқин ўқувчилар таълим-тарбия олмоқда. Масканда рус тили, инглиз тили, компьютер сабоқлари, ижодкорлар тўгараклари мавжуд ва 5 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш ишлари олиб борилади. Болалар соғлигини мустаҳкамлашда физиотерапия, муолажа ва фитобар хоналарининг роли катта. Боғчада "Қадам — бақадам", "Монтессори" "Учинчи мингйилликнинг боласи" дастурлари асосида ривожлантирувчи муҳит ташкил этилган.

Таълим муассасасида дарс бериш жараёнларининг қизиқарлилиги, машғулотларнинг янги методик усул ва дастурлар асосида олиб борилиши ўқувчилар билим салоҳиятининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, фан ойликлари доирасида ўқитувчилар ўртасида замонавий педагогик технологияларнинг ранг-баранг методларини қўллаган "Энг яхши дарс ишланмаси", "Энг яхши тадбир сценарийси", "Бугунги кун ўқитувчиси", "Энг яхши фан хонаси", "Энг яхши нотиқ ўқитувчи" кўрик-танловлари уларни ўз устида янада кўпроқ ишлаш, изланиш ва яратувчанликка чорламоқда. Ўқув даргоҳида барча фан тўгараклари мавжуд. Айниқса, "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили" муносабати билан ташкил этилган "Драма — қўғирчоқ" театри, "Кичик академия", "Этика", "Моҳир қўллар", "Пазандачилик", "Боғдорчилик", "Ёш дастурчи", "Ёш рассомлар" тўгаракларида зукко ва билимдон ёшлар билимларини мустаҳкамламоқдалар.

— Таълим муассасамизда интизом ва аҳиллик, фарзандларимизга сифатли билим бериш биринчи галдаги вазифа этиб белгиланган, — дейди мактаб директори, халқ таълим аълочиси Сония Абдуназарова. — Шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларга ҳам алоҳида аҳамият берилади.

М.АҲМЕДОВА

Tadbir

Чилонзор туманидаги 181-мактабда "Очиқ эшиклар куни" бўлиб ўтди. Тадбирга тумандаги "Кўтарма" маҳалласи фаоллари, ота-оналар ва жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди. Тадбир доирасида мактабнинг барча 21 та синфида ўқитувчилар томонидан очиқ дарслар, тарбиявий соат, синфдан ташқари тўгарак ва спорт машғулотлари ўтказилди.

НАМУНАВИЙ ДАРСЛАР НАМОЙИШИ

Шу куни ўқувчилар устозларидан ўрганган билимларини кўргазмали тарзда намойиш этди. Компьютер ёрдамида тайёрланган слайд ва тақдимотлар, кимё, физика фанларидан лаборатория машғулотлари, турли спорт мусобақалари тадбирга таклиф этилган меҳмонлар томонидан кузатилди.

Ўқувчилар томонидан ижро этилган бадиий дастурлар, дарсдан ташқари турли тўгаракларда ўрганган куй-қўшиқлар ва рақслар йиғилганларга манзур бўлди.

Тадбирни катта қизиқиш билан кузатган "Кўтарма" маҳалласи фаоллари юртимизда ёш авлодга қаратилаётган эътибор туфайли уларнинг етук ва баркамол бўлиб вояга етишаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шоира НОРЧАЕВА,
бошланғич синф ўқитувчиси

Ular qaerda bo'lmasin, har bir o'quvchida qandaydir iste'dod uchquni borligi, uni ro'yobga chiqarish ota-ona va ustozlarning eng zarur vazifasi ekanligini his qilgan holda kuyib-yonib ishlashadi.

ҲАРАКАТ — САЛОМАТЛИК ДЕМАК

Бир воқеа ҳамон эсимда. Маҳалламиз болалари ариқчанинг у ёғидан бу ёғига сакраб ўйнаётган эди. Ҳамма ўз-ўзи билан овора бўлган бир пайтда болалардан бири тўхтаб қолди. «Сакрасанг-чи», бақирарди унга дўстлари. Бола эса оқсоқланиб, сакрашга ҳаракат қилар, аммо негадир удаллай олмасди. Ўшанда болакайнинг ёнига бориб, унинг сакрашига кўмаклашдим. Аммо, кейинчалик боланинг тўсатдан оёғини кўтаролмай қолишига нима сабаб бўлганини эшитиб, янада сергак тортдим.

Ўзаги юнонча «polios» — "кулранг", сўзидан олинган полиомелит касаллиги тиббиётда баъзан Гейне-Медина касаллиги ёки болалар инфекцион фалажлик ҳолати, деган номлар билан юритилади. Мазкур ўткир вирус касаллиги марказий нерв тизимини шикастлайди.

Mutaxassis minbari

Фильтрланувчи вирус ушбу касалликнинг қўзғатувчиси ҳисобланади. Касаллик ташувчиси — касалланган бола бўлиб, полиомиелитнинг яширин даври 3-7 кун давом этади. Бу муддат давомида беморда тана ҳароратининг кўтарилиши, лоҳаслик, кўнгил айниши, бош ва томоқнинг оғриши каби ҳолатлар кузатилади. Полиомиелит касаллигига асосан кичик ёшдаги ва иммунитети пасайган, шамоллашга мойил болалар чалинади. Шунга қарамасдан, баъзан катта ёшдагиларда ҳам учраши мумкин.

Касалликнинг юқиши асосан ёз-куз мавсумларига тўғри келади. Полиовирус ҳаво-томчи ёки орал-фекал йўл орқали оғизга тушгач, томоққа, ҳалқум ва қизилўнгачдан бутун организмга тарқалади. Баъзан эса чивинлар ҳам полиомелит тарқатувчиси бўлиши мумкин.

Полиомиелит вируси периферик асаб тизими орқали мияга, кейин эса орқа мияга тушади. Шунингдек, болаларнинг ўзаро мулоқотда бўлган, ўйнаган вақтларида ҳам ҳавотомчи йўли орқали касалликнинг юқиш хавфи мавжуд. Вирус узоқ вақтгача уй-жиҳозлари, идиш-товоқлар ва ўйинчоқларда сақланиб қолади.

Касалликнинг кечиши

Полиомиелитнинг кечиши бир неча босқични ўз ичига олади. Касалликнинг дастлабки босқичида иштаҳа йўқолади, умумий дармонсизлик, баъзан ич кетиш ҳоллари кузатилади. Бу давр ниҳоятда қисқа давом этади.

Фалажолди даврига келиб боланинг иситмаси кўтарилади, боши қаттиқ оғрийди, ҳушидан кетиш ҳоллари бўлиши мумкин. Кўнгил айниши, қусиш, бош соҳасидаги мушаклар таранглашуви оқибатидаги оғриқ каби ҳолатлар полиомиелитнинг иккинчи босқичига хос. Бу давр 24-48 соат давом этади. Касалликнинг 3-4-кунларида болада фалажликнинг илк белгилари пайдо бўлади. Бу вақтга келиб, тананинг периферик қисмида, қўл ёки оёқ соҳаларида ҳаракат ёмонлашади, бола оёғи ёки қўлини кўтара олмайди. Орқа мияда зардобли яллиғланиш жараёни кечади. Агар орқа мия суюқлиги таркибини текширадиган бўлсак, ҳар хил ҳужайралар, оқсил моддаларнинг кўпайиб кетганини кўрамиз. Касалликнинг тикланиш даврига келиб, юқорида қайд этилган белгилар аста-секин йўқолади, лекин боланинг қўл ёки оёқ соҳасида фалажлик ҳолати сақланиб қолади. Оёқларда ҳеч қандай оғриқ бўлмаса-да, мушаклар функцияси батамом тикланиши қийин кечади. Бунда касалликни бошдан кечирган бола оёғини тутиб тура олмайди. Бойлам–мускул аппаратининг эластиклиги йўқолади. Суякларда ҳосил бўлган бўшлиқ туфайли умуртқа поғонасида қийшайишлар пайдо бўлади. Қўл ва оёқнинг бўғимлари букилмайди, ёзилмайди. Натижада шу соҳада деформация ва контрактуралар ҳосил бўлади.

Олдини олиш ва уни даволаш

Маълум вақт давомида амал қилинган карантин полиомиелит касаллиги эпидемиясига қарши курашишнинг у қадар яхши йўли эмас.

1959—1960 йилларда биринчи бор тирик поливирусли вакцина яратилди. 1961 йилларга келиб полиомиелитнинг эпидемик тарқалишига барҳам берилди.

Ҳозирда полиомиелит касаллигига қарши оммавий эмлаш чорасини кўриш мамлакатимизда долзарб масалалар қаторида туради. БЦЖ вакцинаси бир вақтда дифтерияга қарши эмлаш билан бирга амалга оширилади. Эмлаш ишлари болаларнинг 2 ойдан 3 ёшлик даврига ва 16 ёшида амалга оширилади.

Полиомиелитнинг асоратларини консерватив даволаш муҳим аҳамиятга эга. Профилактик тадбирлар билан бир қаторда умумий гигиена ва дори-дармонлар билан даволаш яхши натижаларни беради. Комплекс витаминлар терапиясини физиотерапевтик муолажалар уйғунлигида қўллаш полиомиелитнинг кўплаб асоратларини бартараф қилади.

Унинг олдини олиш учун бўғим контрактураси ёки деформацияси билан касалланган болаларни доимий назоратда сақлаш, беморларнинг ортопедик тўшамаларда ётиш режимини, ортопедик аппаратлардан фойдаланишини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Тикланиш даврида бемор болаларнинг вақти билан ортопедик пойафзал кийиши, даволаш гимнастикаси билан шуғулланиши, физиотерапевтик муолажалар қабул қилиши, соғломлаштириш сиҳатгоҳларида даволаниши жуда яхши натижа бериши мумкин. Бундан ташқари, тўғри овқатланиш тартибига амал қилиш ҳам муҳим. Озиқ-овқатлар хилма — хил, юқори калорияга эга ва мазали бўлиши шарт. Сувости массажлари ҳамда сув спорти билан шуғулланиш касалликдан 3-6 ой ўтиб тавсия этилади.

Эмлашдан олдинги тавсиялар

Эмлашдан аввал болалар шифокор-педиатр ва невропатолог кўригидан ўтиши шарт. Агар болаларда қуйидаги ҳолатлар аниқланса, албатта қўшимча шифокор-мутахассислар кўригидан ўтиш тавсия этилади:

— туғма касалликлар;
— аллергик ҳолат;
— олдинги эмлашнинг асорати;
— қон қуйиш пайтидаги асоратлар;
— юқори нафас йўлларининг яллиғланиши ёки ўткир респиратор касаллик;
— сурункали бронхит ёки йўтал;
— тери соҳасидаги ҳар хил тошмалар.

Эмлаш қоидалари

— эмлаш фақат поликлиника шароитида ўтказилади (алоҳида хона ажратилиши шарт);
— эмлаш куни, албатта, шифокор-педиатр кўригидан ўтиш ва ота-онага тушунтириш ишлари олиб борилиши шарт;
— бола жисмоний ёки руҳий заиф бўлса, шифокор маслаҳати билан маълум бир вақтини аниқлаб олиш зарур.

Эмлашдан кейин ота-оналарга тавсиялар:

— бола 30 дақиқа давомида шифокор назоратида бўлиши керак;
— боланинг иситмаси кўтарилса ёки болада нохуш ҳолат кузатилса дарҳол шифокорга мурожаат этиш лозим;
— эмлашдан кейин бир ҳафта давомида антибиотиклар ва дори-дармонлар қабул қилиш тавсия этилмайди;
— эмланган жойи қизариб, шишиб чиқса ва шиш 24 соат давомида сўрилиб кетмаса, болани албатта шифокорга кўрсатиш ва маслаҳат олиш керак.

Абурашид МАХМАТОВ,
тиббиёт фанлари номзоди

ҲУНАР — ҲИКМАТ

Maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida

Боланинг асосий вақти мактабда, оилада, дўстлар даврасида ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўтади. Мактабда-ку ўқувчининг фидойи ўқитувчилар назоратида бўлиши ҳамда билим ва тарбия олиши маълум. Бироқ унга мактабдан ташқаридаги таъсир қандай бўлмоқда, салбийми ёки ижобий? Бу энди боланинг атрофидагиларнинг тушунчаси, дунёқараши, билими ва ҳаётий эътиқодига боғлиқ масала. Шу боис ҳам халқ таълими тизимида ўқувчининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни фан, спорт, ижодиёт, ҳунар-техника тўгаракларига жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида ота-оналар томонидан ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқдаки, қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, ҳамкорлик кўпдан-кўп ютуқларга замин бўлиб хизмат қилаётир.

Яқинда Тошкент шаҳар Ҳамза туманини халқ таълими бўлимига қарашли Ўқувчилар ижодиёт ҳамда Техник ижодиёт марказлари томонидан ташкил этилган "Иқтидорли болалар кўргазмаси"да бўлганимизда юқоридаги фикрларнинг рўёбини кўрдик.

Ҳамза тумани Ўқувчилар ижодиёт маркази 30дан ортиқ тўгаракларига 1278 нафар ўқувчини жалб этган бўлиб, бу ерда ўқувчилар турли касб-ҳунар ўрганиш ва истеъдодларини ривожлантириш билан бир қаторда, нуфузли кўрик-танловларда қатнашиб, ота-оналари, устозлари, қолаверса маҳалладошларининг ҳам кўксини ғурурга тўлдирмоқда. Ахир фахрланмай бўладими, мактабда математика, физика, кимё, биология фанларидан аъло баҳоларга ўқиётган ўқувчи кулолчилик, рассомлик, ҳайкалтарошлик ёки нақкошлик санъати бўйича ҳам ўз иқтидорини намойиш этаётган бўлса.

16 ёшли Дилфуза Ҳамроева ҳам мактабдан ташқари таълим муассасалари тўгарак аъзолари ўртасида ўтказилган "Камалак—2009: Миллий анъаналар ва замонавийлик" фестивалида графика йўналиши бўйича 2-ўринни қўлга киритиб, ушбу танловнинг турли йўналишлари бўйича фахрли ўринларни эгаллаган 8 нафар марказдошининг бири бўлди. Бадиий тўқиш бўйича Тамара Клейметова, тасвирий санъат бўйича Дилмурод Маъруфов, ҳайкалтарошлик бўйича Фаррух Тойметов, дизайн йўналишида Ҳаким Қодиров ва яна бир неча марказ ўқувчилари диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Дарвоқе, юқорида номи тилга олинган совриндорлардан бири Ҳаким Қодиров эндигина 6 ёшга тўлган. У чизган расмларни кўрсангиз, 1-синф ўқувчисининг иши эканлигига ишонгингиз келмайди. Аммо устози Дилноза Абдулҳамидованинг меҳнатлари, қолаверса, истеъдодларга бой юртнинг бир жажжи фарзанди ўз қўллари билан мана шу расмларни чизганлиги ҳақиқат.

Марказ эришган ютуқлар ҳақида гап кетганда, албатта, кўп йиллардан бери болаларга санъат ва ҳунар ўргатиб келаётган тажрибали, фидойи ўқитувчиларнинг меҳнатини эътироф этиш жоиз. Зулхумор Алимова, Юлия Спиркина, Ойдин Худойназарова, Татьяна Пушкина, Хуршида Файзиева... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Энг асосийси, улар қаерда бўлмасин, ҳар бир ўқувчида қандайдир истеъдод учқуни борлиги, уни рўёбга чиқариш ота-она ва устозларнинг энг муҳим вазифаси эканлигини ҳис қилган ҳолда ишлашади.

Марказ тўгаракларининг бир нечтаси мактаблар қошида фаолият юритади. Шу боис иқтидорли болалар кўргазмасидан жой олган амалий ва тасвирий санъат намуналарини кўздан кечирар эканмиз, тумандаги барча мактаблар қамраб олинганлигидан хурсанд бўлдик.

Ўзининг ихтирочилик салоҳияти билан аллақачон бир қатор изланишларни бошлаб юборган ўқувчиларнинг севимли ошёни бўлган туман ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳам бу борада салмоқли ишларни олиб бормоқда. Ёш техникларнинг ушбу ижод масканида 1270 нафардан ортиқ ўқувчи дарсдан сўнг 32та йўналиш бўйича ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланмоқда. "Радиотехника", "Механик ўйинчоқ", "Авиамодел", "Ракетамодел", "Архитектурали моделлаш" тўгараклари аъзоларининг ясаган ҳар бир буюми дизайни ва ажойиб электрон қурилмалари билан сизни бир зум бўлсин ўз олдида "ушлаб" туради.

— Марказимизда 122та гуруҳ ташкил этилган бўлиб, уларнинг 58таси туман мактабларида, 4таси меҳрибонлик уйларида, 2таси маҳалла фуқаролар йиғини қошида ва 54таси техник ижодиёт марказининг ўзида фаолият олиб бормоқда, — дейди марказ директори Сайфиддин Жўраев. — Тажрибали мураббийлари ёрдамида ўқувчилар турли республика танловларида ғолибликни қўлга киритиб келаётганлиги бизни қувонтиради. Масалан, "Ракетамодел" тўгараги аъзолари 226-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Бобур Амиров ҳамда 153-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Шоймурод Аҳмедовнинг 2009 йилда Республика ўқувчилар саройи томонидан ўтказилган "Улуғбек юлдузлари" кўрик-танловида 1- ва 2-ўринларни эгаллаганлигини айтиб ўтиш

мумкин. Энг асосий бизни қувонтирадиган жиҳат эса, ёшларимиз бўш вақтларини турли фойдасиз машғулотларга эмас, келажакда ҳаёт йўлларининг ёруғ ва фаровон бўлишига хизмат қиладиган мана шундай илм-фан, санъат, техника сирларини ўрганишга йўналтираётганлигидир.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Amerika jamiyatida ayrim ota-onalar farzandlarini jinoyatchilik va yomon muhitdan saqlash maqsadida ularni uyda o'qitishni afzal biladi.

Ma'rifat
2010-yil 24-fevral

Xorijda ta'lim



"ТИЗИМГА ЎЗГАРИШЛАР КЕРАК"

Океан орти замини мактаб таълими тизими ислоҳ қилиш йўлида бўлганлиги сабаб, келгусида унда қатор ўзгаришлар содир бўлиши кутилмоқда. Албатта, мазкур ҳаракатлар мақсадли равишда амалга оширилаяпти. Ҳозирги вазиятни таҳлил этадиган бўлсак, қуйидагича манзаранинг гувоҳи бўламиз. Федерал бошқарувга асосланган АҚШда умуммиллий таълим стандарти мавжуд эмас. Икки асрлик тарихга эга Конституцияга кўра, ҳар бир штат таълим тизимини, жумладан, мактаб таълимини мустақил ташкил этади. Таълимнинг номарказлашган тарзда шаклланиши Америка давлатига хос бўлган ва бошқа бирор мамлакатда учрамайдиган тизимдир. Айтиш керак, ҳар қандай мукаммал тизим ҳам замон талабидан келиб чиқиб ўзгариб боради. Америка мактаб таълимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам уни янада такомиллаштиришга қаратилган.

ҲАММАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ (IQ)ГА БОҒЛИҚ...

Тизимдаги ўзгаришларга тўхталишдан аввал Америка мактаб таълимининг асосий хусусиятлари билан таништириб ўтсак. "Encarta" қомуси маълумотига кўра, Қўшма Штатларда болалар 5 ёшдан бошланғич мактаб (elementary school)га қатнайди. Дастлабки йил тайёрлов муддати бўлиб, у умумий мактаб даврига кирмайди (бу "нолинчи" синф ҳам деб аталади). Олти ёшдан мактаб дастурига ўтилади. Бу боланинг келажагини ҳал қилувчи муҳим босқич. Негаки, шу даврда ўқувчиларнинг ақлий қобилият коэффициенти (IQ – Intelligence quotient) аниқланади. Боланинг қайси гуруҳдан ўрин олиши айнан IQ кўрсаткичига боғлиқ.

Бошланғич босқичда болаларнинг жамиятга тез ва соз мослашувини таъминлаш, уларда ижодий қобилиятни уйғотиш учун музей, театр ва бошқа маданий масканларга тез-тез экскурсия уюштирилади. Шунингдек, болалар навбатма-навбат ота-оналарининг иш жойлари билан танишадилар. Яъни, бошиданоқ уларда шифокор, журналист, полициячи, ўт ўчирувчи ёки ишчи касби хусусида тасаввур шаклланади. Бу тажриба уларга келгусида касб танлашда асқотади.

5-синфдан кейин ўқиш ўрта мактаб (middle school)да давом этади. Ўрта мактаб баъзи штатларда 5, яна айримларида 6-синфдан бошланади. Ушбу босқичда ўқувчи келажак режасини аниқлаб олиши, бирор касбнинг этагидан тутиш ёки олий ўқув юртида ўқиш борасида бир қарорга келиши керак.

Кейинги босқич – юқори мактаб (high school). Бу босқичда ўқиш тўққизинчидан ўн иккинчи синфгача давом этади. Юқори мактабда ўқувчига фанларни танлаш имконияти берилади. Аммо танланган фандан ташқари кимё, биология, физика, математика, адабиёт, жисмоний тарбия каби мажбурий фанлар ҳам ўзлаштирилиши лозим. Олий ўқув юртига кириш ниятида бўлган ёшлар чет тилини ҳам ўрганиши керак. Америка мактабларида асосан испан, француз, немис, шунингдек, япон, хитой, лотин, юнон, араб тиллари ўргатилади. Ўқув дастурлари штатлар бўйича бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Аммо юқорида қайд этилган мажбурий фанлар барча штатлар учун хос. Шу тариқа мазкур мамлакат ўсмирлари 17-18 ёшида ўрта мактабни тамомлайди.

ХУСУСИЙ МАКТАБЛАР: ҚИММАТ, БЕҲИКМАТ ЭМАС

www.usinfo.state.gov сайти маълумотига кўра, давлатга қарашли мактабларда (public school) таълим бепул. Ўзига тўқ оила вакиллари хусусий мактаблар (private school)да ҳам ўқиши мумкин. Уларда билим сифати нисбатан юқори, синфларда ўқувчи сони ҳам кўп эмас (ўртача 12-15 нафар). Шунга яраша, ўқиш учун каттагина ҳақ олинади: бир йиллик тўлов 2000 доллардан ошади. Албатта, бунча тўловни ҳамманинг ҳам ҳамёни кўтаравермайди. Америка бўйича 120 минг мактаб фаолият юритаётган бўлса, ундан 30 мингга яқини хусусий таълим масканларидир. Мактаб ёшидаги ўғил-қизларнинг 15 фоизи хусусий таълим даргоҳларида ўқийди.

Ўқув ҳафтаси 5 кундан иборат, кунлик дарслар 5-6 соатни ташкил этади. Ўқувчилар билими инглиз ҳарфлари A (аъло), B (яхши), C (ўрта), D (ўртадан паст) ва F (қониқарсиз) билан баҳоланади. Болалар билимини аниқлаш бўйича умумий тизим йўқ, штатларда бу борада Cognitive Abilities Test, Henmon-Nelson Test of Mental Ability, SOI Learning Abilities Test, Scholastic Aptitude Test каби турли тест усулларидан фойдаланилади.

Қўшма Штатлар мактабларида илмий янгиликлар машғулоти алоҳида ўрин тутади. Бунга кўра, ҳар бир ўқувчи йил давомида маълум фан бўйича янгилик ихтиро қилиши ва йил якунида амалга оширган кашфиёти ёки ғояси бўйича маъруза қилиши керак. Бу ёшларни ижодий фикрлаш, яратувчилик ва кашфиётларга ўргатади.

Дарвоқе, мактаблар бошқаруви хусусида икки оғиз. Давлатга қарашли ўқув масканлари ҳар бир штатда сайлов асосида шакллантириладиган мактаб кенгашлари (school boards) томонидан бошқарилади. Мазкур кенгаш ўша ҳудуддаги мактаблар учун мажбурий бўлган чора-тадбирлар, ўқув дастурларини тасдиқлайди, таълим даргоҳларини молиялаштириш масаласини ҳал этади. (Ҳар бир штат кўчмас мулк солиғидан тушган маблағдан маълум улушини мактаблар учун ажратади. Демак, мактабларнинг моддий таъминоти ва таълим сифати ота-оналар тўлаётган солиқларга боғлиқ.)

Америка жамиятида айрим ота-оналар фарзандларини жиноятчилик ва ёмон муҳитдан сақлаш мақсадида уларни уйда ўқитишни афзал билади. Баъзида ноёб истеъдодга эга ёки аксинча ақлий қобилиятда тенгдошларидан ортда қолган болалар ҳам уйда ўқийди (уй шароитида билим олаётган болалар мамлакат бўйича 5 фоизни ташкил этади). Олимларнинг фикрича, уйда ўқиган болаларда фанларни ўзлаштириш ижобий бўлиши мумкин, аммо уларнинг кейинчалик жамиятга мослашуви қийин кечади.

ТАЪЛИМДА ИСЛОҲОТЛАР ЗАРУР

Айни пайтда давлатга қарашли мактабларда ўқувчиларнинг кўплиги (айрим синфларда ўқувчи сони 45дан ошади) асосий масала бўлиб қолмоқда. 2009 йилнинг августида Вашингтон шаҳридаги ўқитувчилар ана шу муаммони ҳал этишни сўраб иш ташлаш ҳам уюштирганди.

"Америкага ўзгаришлар керак" шиори билан ҳокимиятга келган янги раҳбарият маъмурияти таълим соҳасида ҳам ислоҳотлар қилишга киришган. "The Washington Post" газетасининг ёзишича, ҳукумат ўрта таълим тизимида барча штатлар учун умумий стандарт жорий этиш ғояси билан чиққан. Мазкур ғоянинг ташаббускорларидан бири, таълим вазири Арни Данканнинг фикрича, умумий мезонлар мавжуд эмаслиги, баъзи штатларда таълим сифати пастлиги сабабли, айрим ўқувчилар олий ўқув юртига кира олишмаяпти. Маълум бўлишича, ҳозирда мактаб битирувчиларининг 30 фоизи коллеж ва университетда таҳсилни давом эттирмоқда. Аммо мазкур кўрсаткични янада ошириш керак. Таълим вазири умумий стандарт ишлаб чиқилиши билан ўқув жараёни сифати яхшиланишига умид билдирган. Ягона таълим стандарти ғоясини ҳозирги пайтгача 47та штат раҳбарияти қўллаб-қувватлагани маълум.

Албатта, умумий стандарт ишлаб чиқиш жараёни осонликча бўладиган иш эмас. Бунга муайян фурсат талаб этилади. Қолаверса, стандарт ишлаб чиқилганидан кейин ҳам қонунчилик бўйича штатларда бирма-бир тасдиқланиши керак.

"БИРИНЧИЛИК УЧУН ПОЙГА"

www.usinfo.state.gov сайти хабарига кўра, амалдаги маъмурият мактаб таълими соҳасида "Биринчилик учун пойга" ташаббусини эълон қилган. Бошқача қилиб айтганда, янгиликлар жорий этган, таълим кўрсаткичларини яхшилаган мактабларга федерал ғазнадан молиявий кўмак берилади.

Шунингдек, Қўшма Штатларда махсус тажриба мактаблари ҳам ташкил этилган. Давлат томонидан тўлиқ молиялаштириладиган бу мактабларда таълим жараёни мониторинг қилиб борилади, янги ғоялар нечоғли самара бераётгани ўрганилади. Ҳозирда бу каби махсус таълим масканларининг сони 4,6 мингтани ташкил этади. "Биринчилик учун пойга" ташаббуси мактаблар ўртасида кучли рақобат муҳитини яратишни кўзлайди. Яна бир жиҳати, мазкур мактабларда ўқитувчиларнинг маоши ҳам ўқувчиларнинг билим даражаси, аниқроғи, улар топширадиган тест натижаларига асосан белгиланади. Бу эса турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Одатда, демократлар томонида бўладиган касаба уюшмалари ҳам мазкур ташаббусга баҳо беришда иккига бўлинган. Масалан, Таълим ходимлари миллий касаба уюшмаси (NEA) ушбу ташаббус бўйича мактабларнинг юқоридан пастга принципи асосида идора этилишини танқид қилган. Шунингдек, ўқитувчиларнинг маоши тест натижаларидан келиб чиқиб белгиланиши керак, деган таклиф ҳам салбий баҳоланган. Уюшма баёнотига кўра, мазкур тартиб педагогларнинг таълим бериш билан эмас, кўпроқ ўқувчиларни аттестацияга тайёрлаш билан шуғулланишига олиб келиши мумкин.

"The Washington Post"нинг ёзишича, таълим вазири Арни Данкан ҳар қандай янгилик дастлаб қаршиликларига учраши табиий эканини айтган ва ушбу ислоҳотларни таълим тизимидаги янги давр деб баҳолаган. Гарвард университети ўтказган сўров эса 17 фоиз америкалик янги мактабни ёқлаганини, 39 фоиз респондент унга қаршилигини, 44 фоизи эса бу борада аниқ тўхтамга келмаганини кўрсатди. Айни пайтда мазкур ташаббус ижодкорлари мактаб таълимини аҳоли яшаш сифатини янада ошириш, иқтисодий тараққиёт ва қудрат, хавфсизлик ҳамда улкан илмий кашфиётлар омили деб баҳолашган. Ушбу ғояни амалга оширишга хизмат қилувчи янги таълим масканлари эса келажак мактаблари деб аталган. Ҳар не бўлганда ҳам вақт одил ҳакам. Шу боис, янги мактаб тизими самараси борасида ҳам маълум фурсатдан кейин аниқ хулосалар айтиш мумкин.

Собиржон ЁҚУБОВ тайёрлади.

Tadqiqotchilar taklifi e'tiborga olingan holda yangi kimyoviy element mashhur olim sharafiga ataldi.

«ТУТАНХАМОН» ИШИ ЁПИЛДИ

Миср фиръавни мўмиёсининг томографик таҳлили Тутанхамоннинг ўлдирилгани тўғрисидаги аввалги тахминлар асоссиз эканини кўрсатди. Миср Қадимий ёдгорликлар бўйича олий кенгаши бошчилигида халқаро тадқиқотчилар гуруҳининг сўнгги технологиялар ёрдамида олиб борилган изланишларидан ҳукмдор безгак касаллиги туфайли вафот этгани маълум бўлди, деб хабар берди «Рейтер».

Мисрни 155 йил давомида бошқарган XVIII сулоланинг 16 нафар вакили (жумладан, Тутанхамон) мўмиёларини ўрганиш учун ДНК таҳлили ва компьютер томографияси ўтказилган. Олинган натижалар асосида олимлар уларда топилган касалликлар, қариндошлик ришталарини аниқлашга, шунингдек, уларнинг ташқи тузилишини тасвирлаб беришга эришдилар. Жараёнда, хусусан, Тутанхамон ўлимига ов пайтида унинг аравадан йиқилиши эмас, балки безгак туфайли юзага келган қон заҳарланиши олиб келгани тасдиқланди. Қолаверса, сулоланинг яна бир нечта вакили вафотига ҳам айнан шу касаллик сабаб бўлган экан.

Тадқиқотларда Тутанхамон фиръавн Эхнатоннинг ўғли экани, ундаги қатор генетик касалликлар борасида ҳам ахборотлар олинган. Олимларнинг фикрича, ёшлик чоғида ҳукмдор қўлтиқтаёқларсиз ҳаракатлана олмаган. Яна фиръавн юз тузилиши баъзи манбаларда тасвирлангани каби нозик бўлмагани маълум бўлди. Аслида бундай тушунча Миср ҳукмдорларининг ташқи кўринишини ўта илоҳийлаштириб юбориш натижасида юзага келган экан.

ОЙДАГИ ЧАНГ ХАЛАЛ БЕРМОҚДА

Ойда ўрнатилган «кўзгу»лардаги чанг Ер ва унинг табиий йўлдоши ўртасидаги масофани аниқ ўлчашга халақит бераётгани аниқланди. Аслида бу борадаги тажрибалар нисбийлик назариясига оид қатор ҳолатларни батафсил ўрганишга имкон яратгани боис ўтказилади. Эндиликда эса самовий тўзон қийинчиликларни юзага келтирмоқда, деб ёзади «Нью Сайентист».

Одатда, олимлар Ердан Ойгача бўлган масофани аввал лазерли нур жўнатиб, унинг йўлдошга етиб бориши, кўзгуда акс этиб, сўнгра қайтиши учун сарфланадиган вақтни аниқлаш орқали ўлчайдилар. Мазкур тажрибалар масофани миллиметргача аниқликда ўлчаш имконини бериши билан аҳамиятлидир. Ўз навбатида бундай юқори даражадаги аниқлик нисбийлик назарияси қонунларида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларни белгилашда қўл келади.

Нашрда келтирилишича, Нью-Мехико шаҳрида жойлашган «Апачи поинт» обсерваториясида фаолият олиб борувчи илмий ходимлардан бири Ойга жўнатилган нур қайтганда ундаги фотонлар сони борган сари камаяётганини пайқаган. Одатда фотонлар атмосферада «ютилиб» кетади, бироқ бу гал уларнинг сони мазкур кўрсаткичга оид барча назарий ҳисоб-китоблардан ҳам ошган эди. Шунда тадқиқотчи фотонлар кўзгуларни акс эттиришдаги ўзгаришлар туфайли йўқолиб бораётганини тахмин қилган. Унинг фикрича, ойналар юзасига Ойдаги чанг зарралари ўтириб қолган. Бу кўзгунинг қизишига, ҳароратнинг ошиши эса, табиийки, акс эттириш жараёнига таъсир ўтказмай қолмайди.



Маълумки, сайёрамиз табиий йўлдошида атмосфера мавжуд эмас. Бу у ерда чанг-тўзонни кўтариши мумкин бўлган шамол ҳам кузатилмайди, деганидир. Мазкур ҳолат тадқиқотчининг қараши ҳақиқатга яқин эмас, деган фикрни туғдиради. Лекин яна бир ҳолат борки, унинг асосида тўзон борасидаги тахмин тасдиқ топиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, чанг заррачалари Ойга метеоритлар тушганида кўтарилиши ва кўзгулар юзасига ўтириб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

«ИШОНЧ ГОРМОНИ» ЁРДАМИДАГИ МУОЛАЖА

Француз олимлари окситоцин гормони аутизм касаллиги аниқланган беморларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаши мумкин, дея таъкидлашмоқда. «Медпейж Тудай»да ёзилишича, бу йўналишдаги изланишлар Лиондаги Когнитив неврология маркази мутахассиси Анжела Сиригу раҳбарлигида ўтказилган. Тажрибаларда 17-39 ёшгача бўлган Аспенгер синдроми ва аутизм билан касалланган беморлар иштирок этган. Уларга окситоцин гормони сепиладиган дори сифатида берилган. Бу гормон тиббий тилда яна «ишонч гормони» деб ҳам аталади, чунки у туғруқдан кейинги даврда она ва бола ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Тажрибаларда иштирокчилар иккита тестдан ўтган. Даставвал улар учта виртуал шахслар билан копток отиш ўйинларини ўйнаган. Биринчи ҳолатда виртуал оппонентлар 33 фоиз ҳолатда коптокни беморларга қайта оширган. Кейин эса ўйин шундай тарзда мослаштирилганки, унда биринчи иштирокчи 70 фоиз ҳолатда коптокни беморга узатган, иккинчиси — 30, сўнггисида эса бу кўрсаткич 10 фоизга тенг бўлган. Сўнгра компьютердаги ўйинчидан қабул қилиб олинган ҳар бир копток учун маълум миқдордаги пул маблағи мукофот сифатида белгиланиб, қатнашчиларга яна ўйнаш таклиф этилган. Шунда беморларнинг ҳар бир виртуал ўйинчига тахминан тенг миқдорда копток ошириши кузатилган. Аммо окситоцин гормони организмга киритилганидан сўнг улар коптокни кўпроқ қайтарган ўйинчига тез-тез узатишган.



Иккинчи синов доирасида расмдаги инсоннинг жинси ва унинг нигоҳи қаерга қаратилганини аниқлаш машқи берилган. Бунда олимлар бемор расмдаги одамнинг кўзига қанча пайт тикилиб турганини ўлчашган. Гормон қабул қилгандан сўнг сарфланган вақт кўрсаткичи 20-30 фоизга қисқаргани ўрганилди.

Анжела Сиригунинг сўзларига қараганда, тажрибаларда тадқиқотчилар окситоцин аутизм билан касалланганларнинг бошқа инсонлар билан визуал алоқа вақтини узайтиришини намойиш этишга муваффақ бўлган. Шунингдек, гормон беморларнинг атрофдагилар юриш-туришини кузатиш, булар асосида уларга нисбатан ўз муносабатини шакллантириш қобилиятини ҳам пайдо қилар экан.

«СУРАТГА ОЛИШ ТАҚИҚЛАНАДИ!»

Берлин музейида машҳур Нефертити маликасининг ҳайкали турган залда суратга олиш эндиликда қатъий ман этилди. Сабаби, бунинг натижасида скульптуранинг устки қопламасига зарар етиши мумкин, дейилмоқда «Эрс Таймс» нашрида.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, оҳакдан ясалиб, гипс билан қопланган ушбу ҳайкалнинг «ёши» 3300 йилга тенг. У 1912 йили немис археологи Людвиг Борхардт томонидан топилган ва Мисрдан олиб келинган.

Музей матбуот хизмати вакили сўзларига қараганда, илгари бу ҳайкалтарошлик намунасини берилганди. Бироқ бунда қадимий бўёқ қатламидаги тасвирга зарар етмаслик учун ёриткичи бор фотоаппаратлардан фойдаланишга чеклов қўйилганди. Эндиликда эса сайёҳлар мазкур қоидаларга амал қилмай қўйгани боис суратга олишни бутунлай тўхтаб қўйишга қарор қилинди.

Айни пайтда музей фаолиятини қўллаб-қувватловчи Маданий мерос фондининг маълум қилишича, рақамли камералардан суратга олиш пайтидаги ёрқин нурнинг бўёқ қатламидаги пигментларга салбий таъсири ҳали тўлиқ исботланмаган. Шу сабаб чеклов заруратдан ҳам кўра кўпроқ одатий эҳтиёткорлик чораси ҳисобланмоқда.

112-ЭЛЕМЕНТГА НОМ БЕРИЛДИ

Халқаро кимё уюшмаси расмий равишда Менделеев даврий жадвалининг 112-элементи номини тасдиқлади. Уни Германиядаги Оғир ионлар институти олимлари кашф этиб, элементга Коперникий номи берилишини таклиф этишганди. РИА манбасининг хабар беришича, тадқиқотчилар таклифи эътиборга олинган ҳолда янги кимёвий элемент машҳур олим шарафига аталди.

— Даврий жадвалнинг 112-элементига Коперникий номини бериш таклифи билан ўтган йилнинг июль ойидаёқ Халқаро кимё уюшмасига мурожаат этилганди, — деди бу ҳақида Оғир ионлар физикаси маркази раҳбари Хорст Штокер. — Унгача элемент унунбий номи билан юритилаётганди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Коперникий уюшма томонидан расмий равишда тасдиқланган энг оғир кимёвий элемент ҳисобланади. Айни кунда тадқиқотчилар томонидан 113-116 ва 118-элементлар ҳам аниқланган бўлса-да, улар ҳозирча расман қайд этилмаган.

112-элемент илк маротаба институт ходимлари томонидан 1996 йилнинг бошларида оғир ионларнинг тезлаткич механизми ёрдамида синтезланган. Алоҳида эътироф этиш зарур, мазкур марказ тадқиқотчилари меҳнати самараси ўлароқ, бундан аввал ҳам қатор элементлар, хусусан, борий, хассий, мейтнерий, дармтадтий ва рентгений кабилар Менделеев жадвалидан ўрин олган.

КЎРИШ ҚАНОТЛАР РАНГИГА БОҒЛИҚМИ?

Heliconius туркумидаги капалакларнинг ультрабинафша диапазонда кўриш қобилияти уларнинг қанотлари рангига боғлиқлиги тадқиқотчилар томонидан аниқланди. Мазкур масала ҳақидаги мақола Калифорния университети муассислигида чоп этиладиган «Илм-фан миллий академияси изланишлари» журналида чоп этилди.



Маълум қилинишича, бу турдаги капалакларнинг кўриш қобилияти ҳашаротлар кўзидаги пигмент орқали белгиланар экан. Ўз навбатида, пигмент баъзи капалаклар геномида икки, қолганларида эса бир нусхада бўладиган ген орқали кузатилади. Мутахассислар пигмент 25-12 миллион йил илгари ҳашарот организмида пайдо бўлганини ҳам айтишаяпти.

Маълум бўлишича, Heliconius туркумидаги капалаклар қанотларида сариқ доғлар бор экан. Тажрибани амалга оширганлар пигмент генининг битта нусхаси аниқланган капалакларда ультрабинафша нурлари сингмаганини кузатишган. Аксинча, иккиталик генга эга капалакларда эса уларнинг қанотидаги доғлар орқали нурлар ютилиши тасдиқланди. Мутахассислар ультрабинафша нурларни ўзига сингдириб оладиган бу пигмент қанот ва кўзларда бир пайтда пайдо бўлишини таъкидлашмоқда. Шунга асосланиб, улар иккиталик гени бор ҳашаротлар қолганларига нисбатан яхшироқ кўриш қобилиятига эга, деган тахминни илгари суришаяпти.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Қашқадарё вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи З.Қобиловга падари бузруквори

ЮСУФ ОТАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси директор муовини, профессор Баҳодир Умурзоқовга онаси

Рабигул ТОЛИБОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институти жамоаси Умида Иргашевага падари бузруквори

Маҳаммаджон САДИРХОНОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими, туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси жамоалари ХТБ мактабгача таълим методисти Д.Усмоновага онаси

Холида АБДУРАШИДОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Dutor tutdan yasaladi, hatto torlari ham ipakdan, shu bois ham undan taraladigan mungni boshqa cholg'u asboblari orqali chiqarish qiyin.

Ma'rifat
2010-yil 24-fevral

Yog'du

ҲАМ СОЗУ ОВОЗ БИЛАН...

... Бир-бирига ўхшамас, турлича садо берувчи чолғу асбобларидан таралган овозлар чор атрофни тутиб кетган. Кимлардир қийқириқлар билан уларга жўр бўлар, кимлардир чапак чалганча ўрнидан туриб рақсга тушарди. Илёсжон эса кўнглидан кечаётган «Ким мусиқа тинглаяпти?» деган саволга жавоб излаб ўйга толарди. Саҳнадан навбатдаги гуруҳ созларини йиғиштирганча тушиб кетгач, гал Ўзбекистон вакилларига берилди. Илёсжон бошидаги дўпписини тўғрилаб қўйган бўлди-да, ҳамроҳларига кўз қирини ташлаганча дуторини кўксига босиб ички бир ғурур, ифтихор билан черта бошлади. Хиёл ўтмай бутун борлиқни сознинг майин навоси тутиб кетди гўё. Нигоҳлар бир нуқтага қадалди.

2007 йили Америкада замонавий мусиқа кўриги номини олган мазкур халқаро марафонда «Машриқ» гуруҳига жамланган ўзбекистонлик созандаларнинг чиқишини йиғилганлар ҳайрат билан қарши олиб, ҳакамлар ҳайъати уларнинг ижросини энг юқори ўринга лойиқ деб топган эди. Шунда Илёс мусиқа тил, миллат танламаслиги, мумтоз куйларимизнинг умрбоқийлигига яна бир бора амин бўлди. Унинг 2008 йили Францияга қилган сафари эса бундан-да таассуротларга бой бўлди. Режалаштирилган бир ярим соатлик концерт дастурининг қарийб бир соату йигирма беш дақиқасида у дутор, сато, ғижжак, танбурда халқимиз қалбидан чуқур жой олган куйларни ижро этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Баъзи чиқишларида устози Малика Зиёева унга жўр бўлар, «Кўзинг», «Сенсиз», «Орази наво» сингари юракларни титратгувчи дардли куйлар ҳеч бир тилмочларсиз дилларни дилларга боғларди. 2009 йили Парижда ташкил этилиб, «Буюк ипак йўли» дея номланган театрлаштирилган композицион дастурдаги иштироки Илёсни созанда ва ҳофиз сифатида камолот пиллапояларига кўтаргандай бўлди... Бунгача эса Илёс Арабов гарчанд ёш бўлса-да, анчагина узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган, истеъдоднинг тўқсон тўққиз улуши меҳнат эканини у ўз тажрибалари мисолида қайта ва қайта далиллаган эди.

... Кечагидек ёдида: отаси раҳматли мусиқа қўйиб опаларини рақсга туширар, жамалак сочли қизалоқларнинг ҳаракатларини у хонтахтани чертганча завқ билан кузатарди. Шунда уйлари гўё шодликка тўлиб кетар, гоҳида ана шу қувонч хонадонларидаги ташвишни ҳам, хасталигу ҳасратларни ҳам унуттириб юборарди. Илёс, айниқса, муаллим тоғалари Жума ва Баҳодир акаларига жуда ҳаваси келар, улар бўш вақт топилди дегунча қўлларига тор, рубоб олиб чунонам «сайратишар» эдики, сонҳир наволарнинг сеҳри хаёлини бутунлай ўзига ром этиб қўярди.

Отаси вафот этганида у беш ёшларда эди. Падари бузрукворнинг оламдан ўтиши, мурғак қалбини андуҳга тўлдирди. Назарида, у бирданига катта одамга айланиб қолгандек, энди ҳамма нарсага жиддий ва эътибор билан қарайдиган бўлиб қолганди. Ҳозиргача назар ҳам ташламагани, тахланиб турган мумтоз куй-қўшиқлардан иборат пластинкаларнинг авайлаб-асраб сақланаётганлиги эса отасининг орзу-армонларини сўзлаётгандек бўларди унга. Демак, отаси унинг санъаткор бўлишини истаган. Беҳудага онаси уни мусиқа мактабига етаклаб бормади. Рўзғоридан қисиб бўлса-да, дутор сотиб олиб берганининг замирида ҳам ана шу ният яшириндир эҳтимол! Бу соз унинг учун энг бебаҳо туҳфа эди. У ҳамон ўзининг санъат оламига киришига ҳамроҳ бўлган, қанчадан-қанча кўрик-танловлардаги иштироки-ю, машғулотларида қўлидан тушмаган бу дуторни авайлайди. Гарчанд анчагина ноқулай ишланганидан тахтасидаги қирралар неча бора бармоқларини зирқиратган бўлса-да, бу соз унинг учун жуда азиз!

— Илёс Арабов Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кирган кезлариёқ мусиқа илмидан анчагина бохабар, унинг машаққатларини чеккан, ўзида катта меҳнат кўникмасини шакллантирган истеъдод соҳибларидан эди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Зиёева. — У билан анъанавий ижрочилик кафедрасида ишлар эканмиз, ундаги куй-қўшиқларни бутун вужуди билан тинглаб идрок этиш қобилияти, сидқидиллик, берилган топшириқни ўзига нисбатан катта талабчанлик билан белгиланган муддатда айтилганидан-да зиёда адо этиши кўп ўтмай ўз натижасини кўрсата бошлади. Айни кунда у «Шукрона» дуторчилар ансамблининг етакчи созанда ва хонандаларидан. Тенгдошлари орасида унга ҳавас қилиб, эргашадиганлар талайгина.

Иккинчи курсда ўқиб юрган кезларида олтинчи республика мақомчилар танловида муваффақиятли иштирок этиб, созандалар ўртасида биринчи ўринни олишга муваффақ бўлган Илёс устозига 2007 йилда ўтказилиши режалаштирилган еттинчи республика мақомчилар танловида ўз ашулалари билан иштирок этиш ниятида эканини айтди. Шогирдининг хуш овози ҳам борлигини билган Малика опа бир жиҳатдан унинг катта масъулиятни елкасига олаётганидан суюнса-да, ҳам созу овоз билан бирдек муваффақиятга эришишнинг юки оғир бўлишини ҳам сезиб турарди. Ишончининг таянчи эса яна Илёснинг меҳнаткашлиги, Худо юқтирган овози, созда қочиримлар, дардли наволарни нечоғлик топиб тинглагувчига етказа олса, шу оҳангнинг ашулаларида ҳам жамлигида эди. Устозу шогирд янги дастур асосида машғулотлар режасини тузиб иш бошлашди. Кунлар тунларга уланди. Ҳозирликлар жараёнида Илёс куй-қўшиқнинг сирли оламида яшади. Опа шогирдининг истеъдоди кундан-кун тобланиб, чархланаётганидан ғурурланар, чунки у томонидан Фузулий ғазали билан айтилгувчи «Билмас», Фузулий, Навоий, Нодира ғазаллари билан куйлангувчи «Баёт-1», «Баёт-2», «Баёт-3», «Баёт-4», «Баёт-5», Увайсий қаламига мансуб «Савти Калон», Машраб ижодининг дурдоналаридан саналган «Талқинчаи савти Калон», Бобурнинг аламларидан яралган «Соқиномаи савти Калон» сингари улуғ ҳофизлар айтган ашулалар, Турғун Алиматов йўналишидаги «Тановар-1», «Тановар-2», Комилжон Жабборов басталаган «Нолиш», ўзбек халқ куйларининг нодир намунаси саналган «Тўрғай» каби куйлар ўзига хос тарзда ижро этилаётган эди. Ниҳоят, ижодий изланишлар охирлаб, сараланган ўттиз иккита ижро радиофондига ёзилди.

В.ГРАНКИН олган сурат.

— Бу уринишларим, — дейди Илёс, — 2008 йили «Ниҳол» мукофоти билан тақдирланишимга замин яратган эди.

Дутордан таралаётган нола, дард, қочиримларни бошқа созлар орқали таралган куйларда топиш анча мушкул. Нега эканини биласизми? Бу ҳолатни суҳбатдошимиз шундай изоҳлайди:

— Дутор тутдан ясалади, ҳатто торлари ҳам ипакдан, шу боис ҳам ундан тараладиган мунгни бошқа чолғу асбоблари орқали чиқариш қийин. Тўғри, дуторнинг масалан, танбурга нисбатан имкониятлари анча кам. Диапазони, пардалари баланд бўлгани боис танбурни 1—1,5 тонгача садолантириш мумкин. Лекин дуторда бунга эришиш анча мушкул. Биз ўрганаётган йўналиш эса дуторнинг имкониятлари гарчанд қийинчилик билан бўлса-да, танбурдан кам эмаслигини кўрсатяпти. Яхши эслайман, болалигимда фортепиано, рубоб, ғижжакни соатлаб сергак туриб чалардим, тинглардиму, дуторни ярим соатдан зиёд чертсам уйқум келарди. Энди мусиқий олам сирларидан анчагина воқиф бўлганимда англадимки, дутордан таралган наволар инсон руҳиятига ором бераркан. Шунга таяниб айтаманки, бу соз имкониятларидан фарзандлар тарбиясида ҳам фойдаланиш мумкин. Дуторда кишини вазминликка, босиқликка, дунёни кенг тушунишга, мушоҳадали, ҳатто кечиримли бўлишга йўлловчи, қалб гўзаллигини уйғотувчи сеҳр, қувват бор...

Илёснинг мулоҳазали фикрлари, мумтоз куй-қўшиқларимизга ҳурмати, муҳаббати, санъатни ниҳоятда азиз билиб, уни авайлаб-асраб улуғ тутаётгани, қаноатини кўриб унга қўрғон бўлиб, турли енгил-елпи кўчалар, машҳурликка интилишдек дарддан ҳимоя қилувчи куч нимада экан, деган хаёл ўтади кўнглимдан.

— Бу қалқон устоз ўгити, — дейди Илёс. — Халқимизда «Устоз кўрган...» деган гап бор. Устоз фақат касб маҳоратини ўргатувчи шахс эмас. У уни ҳамиша ёмон давралардан, қинғир-қийшиқ кўчалардан, нафс балосидан, феълида илдиз отиши мумкин бўлган қусурлардан, таъбир жоиз бўлса, иҳота қилиб турувчи меҳрибон ҳамдир. Қайсики ишга қўл уришингиздан бурун дилингизда озгина хижиллик сезсангиз, маслаҳатгўйингиз бўлгувчи зот ҳам у. Мен ҳаётда ана шундай мураббийлар топдим. Мусиқа мактабида ўқиб юрган чоғларим Машраб Қодиров, Матлуба Калоновада ана шу қалбни кўрган бўлсам, кейинги ўтган тўққиз йиллик ижодимга бевосита Малика опа раҳнамолик қилиб келяптилар. Мен у кишидан санъаткорнинг маданияти, маънавияти, унинг эл назарида олиб юрувчи хуш фазилатлари хусусида ҳам жуда кўп сабоқлар олдим. Малика Зиёева йигирма беш йил мақомчилар ансамблида ишлаб, улуғ устозларнинг катта мактаблари даврасида бўлган. Бугун уларнинг билимларини бизга ўргатяпти, демак, бизнинг зиммамизга бу бебаҳо мерос калитини кейинги авлодлар қўлига ҳам тутишдек масъулият юкланяпти. Бу вазифани худди устозларимиздек фидойилик билан адо этсак, ўзбек анъанавий ижрочилигининг умри боқий, бардавом бўлаверади.

...Эгнида беқасам тўн, бошида дўппи, қўлида дутори билан хорижнинг катта саҳналарида ўзбек наволарига элларни мафтун этаётган йигитнинг созу овози билан улуғ санъатимиз дарғаларининг том маънодаги издоши бўла олишига чин дилдан ишонгимиз келади.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Ta'kid

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

"Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган 2010 йилни ҳам улкан орзу-ниятлар, вазифалар ва залворли қадамлар билан бошладик. Фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, бугунги замон талабларига жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши энг улуғ мақсадларимиздан бири. Ўз-ўзидан маълумки, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби соҳалар ривожи давлатнинг иқтисодий салоҳиятига боғлиқдир.

Юртбошимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида мамлакатимизда халқ фаровонлигининг муҳим омили бўлган иқтисодий тармоқнинг тизимли равишда ўсиб бораётгани, 2009 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотида саноат ишлаб чиқариши улуши 2000 йилга нисбатан 14 фоиздан 24 фоизга, транспорт ва алоқа соҳалари улуши 7,7 фоиздан 12 фоизга ошганини таъкидлаганида қалбимизни фахр туйғулари эгаллади. Албатта, ушбу ютуқларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш борасида олиб борилган ислоҳотларнинг ҳам алоҳида ўрни бор, десак хато бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Импорт ўрнини босадиган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда Сергели туман давлат солиқ инспекцияси ҳам ўз фаолияти доирасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, туманимизда маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхоналар сони йилдан-йилга ошиб боряпти. Жумладан, 2008 йилда ушбу дастурга 9та хўжалик юритувчи субъект кирган бўлса, 2009 йилда улар сони 16тани ташкил этди. Мазкур корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ягона солиқ тўловларида (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган хўжалик юритувчи субъектлар учун) имтиёзлар яратилмоқда. Қарорда кўзда тутилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришни ташкил этишга, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш ишларига йўналтирилмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Шу боис солиқ ходимлари ушбу маблағларнинг тўғри йўналтирилаётганини назорат қилиб бормоқдаки, бу юртимиз иқтисодиётининг янада жадал суръатлар билан ўсишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, бугун давр ҳар биримиздан алоҳида масъулият, фидойилик ва ташаббускорликни талаб этмоқда. Олдимизга қўйган юксак мақсадларимизга эришишимиз учун халқимизда етарлича салоҳият, кучқудрат ва имкониятлар бор. Фақат яратиб берилаётган шароитлардан барчамиз оқилона ва унумли фойдалансак бўлгани.

Асқар АҲРОРОВ,
Сергели туман ДСИ шўъба бошлиғи

Demak, bugungi medallar to'plamidan tashqari, yana 21ta oltin medal uchun keskin kurashlar hali davom ettiriladi.

ЭНГ КУЧЛИЛАРНИ БАҲОЛАШ ОСОН ЭМАС

vancouver 2010

Баҳор яқинлашиб, совуқ заҳри чекина бошлаган кўкламолди кунларда Ванкувер шаҳри чинакам байрам оғушига белангани барчамиз яхши биламиз. Олис Канаданинг қорли майдонларида кечаётган мусобақаларда ҳамон шиддатли ва куч-ғайратли спортчилар ғолиблик учун курашни давом эттираётир.

Қишки Олимпиада ўйинларига ўз танлаган спорт тури бўйича дунёнинг энг кучлилари жам бўлишини ҳисобга олганда, ҳакамларга ҳам уларни баҳолаб бориш жуда катта масъулият юклаши билан бирга қийинчиликларни ҳам туғдиради. Муз устида фигурали учиш баҳсларида, айниқса, кўпроқ бунинг шоҳиди бўляпмиз. Муз устидаги рақсни қайси мезон асосида баҳолаб бориш ва якуний хулосани чиқариш борасида айрим тушунмовчиликлар юзага келаётганининг сабаби ҳам шундадир, эҳтимол.

Айтиш жоизки, XXI қишки Олимпиада тобора ҳал қилувчи палласига яқинлашяпти. Бугун олимпия ўйинларининг 13-кунида бобслей, тоғ чанғиси спорти, конькида югуриш спорти, чанғида учиш, фристайл ҳамда шорт-трек бўйича биттадан олтин медаль ўз соҳибу соҳибаларига топширилиши белгиланган.

Кеча жами бўлиб 59-олтин медаль ҳам эгасини топди. Хусусан, аёллар ўртасида чанғида учиш бўйича ўтган жамоавий спринт беллашувларида немис спортчилари Ева Захенбахер ва Клаудиа Нюстад 18:03,7 сония кўрсаткич билан олтин медаль соҳиблари бўлди. Бу борада эркаклар ўртасида кечган мусобақада норвегиялик Ойстейн Петтерсен ва Петтер Нортуг (19:01,0 сония) шоҳсупага кўтарилишди.

Муз устида фигурали эркин учиш бўйича канадалик жуфтлик Тесса Вирту ва Скотт Мойр жуфтлиги 221,57 очко билан олтин медалларни қўлга киритди.

Демак, бугунги медаллар тўпламидан ташқари, яна 21та олтин медаль учун кескин курашлар ҳали давом эттирилади.

Ҳозиргача олинган маълумотларга кўра, Германия спортчилари умумий ҳисобда биринчи ўринга кўтарилиб олди, уларнинг "жамғарма"сида 7та олтин, 9та кумуш ва 5та бронза медали мавжуд. Иккинчи поғонада АҚШ спортчилари (7, 8, 10) ва кучли учликни норвегияликлар (6, 3, 5) якунлаб турибди. Энг таажжубланарлиси, келгуси қишки Олимпиадага мезбонлик қилувчи Россия терма жамоаси ҳанузгача ўнликка киролгани йўқ. Улар 2та олтин, 3та кумуш ва 6та бронза медали билан 11-поғонада турибди.

Қишки Олимпиада туркумидаги айрим ўйинлар, масалан, кёрлинг аста-секин мухлисларни қизиқтирмоқда. Унинг ўзига хос оҳанрабоси маҳаллий мухлисларнинг ҳаяжонларига ҳам сабаб бўлмоқда. Қисқача айтганда, бундай нуфузли спорт шодиёналари тинчлик, дўстлик ва саломатлик тарғиби учун хизмат қилади.

Зоҳиджон ХОЛОВ

"Qishki Olimpiada — 2010"

ЮКСАКЛАРГА ИНТИЛАЁТГАН ЁШЛАР МАСКАНИ

Faxr

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга қаратилган катта эътибор самараси ўлароқ, Навоий спорт коллежида ёш мутахассисларни тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар яққол кўзга ташланади. Таълим масканида кўплаб иқтидорли спортчи-ўқувчилар таҳсил олади. Ҳозирда улардан 43 нафари спортнинг турли йўналишлари бўйича республика терма жамоаларига номзоддир.

Коллеж ўқувчиларининг спортда қатор эътирофга лойиқ муваффақиятларга эришгани қувонарли ҳолдир. Биргина 2009 йилдаги ютуқларнинг ўзи бу ердаги ёшлар ва уларнинг устозлари саъй-ҳаракатлари ҳақида батафсил маълумот бериши мумкин. Хусусан, ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилган каратэ-до бўйича Ўзбекистон биринчилигида коллеж ўқувчиси Ҳусан Қўлдошев олтин медални қўлга киритди. Бокс бўйича Навоий шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида таълим маскани ўқувчиси Фарҳод Боймуродов 60 кг. вазн тоифасида ғалаба 1-ўринни эгаллаб, спорт устаси талаблари бажарди. «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги»га бағишлаб, пойтахтда ташкил этилган эркин кураш бўйича ёшлар ўртасидаги халқаро турнирда Дилором Ражабова мутлақ ғолиб деб топилди. Шунингдек, ёш спортчини тайёрлаган мураббий Туймурод Адизов ҳам шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан 1-даражали диплом ва олтин медаль билан тақдирланди.

Қолаверса, ўтган йили Бухоро шаҳрида эркин кураш бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатига тайёргарлик олдидан республика биринчилигида коллеж ўқувчилари Жамол Ортиқов, Замира Ҳақбердиева шоҳсупанинг иккинчи, Шаҳноза Тошпўлатова учинчи ўринларидан жой олди.

— Ўқувчиларимиз орасида спортни ўзига ошно қилиб, бу борада юксакларга интилаётган ёшлар талайгина. Биргина мисол, жорий йил Сингапурда бўладиган ёшлар ўртасидаги Олимпиада ўйинлари саралаш мусобақаларида Дилором Ражабова ва Юлдуз Салимова 1, Соҳиба Тошпўлатова эса 2-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон терма жамоасига аъзо бўлди, — дейди коллеж директори Равшан Кенжаев.

Ҳа, бугун коллеж жамоаси таълим сифатини юксалтириш мақсадида астойдил меҳнат қилаётир. Айниқса, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, ўқувчилар билан индивидуал шуғулланиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Маърифат МУСТАФОЕВА

ОРЗУ ОРТИДАГИ МАШАҚҚАТ

Спорт кишилардан ғайрат-шижоат, куч-қувват ҳамда мустаҳкам ирода талаб этадиган масъулиятли соҳа саналади. Шунга қарамай, мамлакатимизда спорт билан фақатгина ўғил болалар эмас, қизлар ҳам шуғулланиб, ўз ютуқлари билан кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда. Муқаддас Куеева ҳам шижоатли спортчи қизларимиздан биридир. У эндигина 21 ёшни қаршилаган бўлса-да, бир қанча юксак марраларни забт этишга улгурган.

Аслида спортчи ҳамюртимиз спортчилар оиласида дунёга келган. Шунинг учунми, спортга бўлган иштиёқи болалигиданоқ шаклланди. Ёшлик чоғидан отаси кураш тушишни ўргатди. Аста-секин ихлоси ортиб, спорт клубларига қатнай бошлади. Кейинчалик маҳоратли мураббий Олим Ҳаитов Муқаддасни турли мусобақаларга жалб қилди. Уларда қатнашган спортчи фахрли ўринларни эгаллаб, меҳнати ва шижоати бесамар эмаслигини намойиш эта бошлади.

2004 йили М.Куеева республика очиқ биринчилигида 1-ўринни қўлга киритди. Унинг ютуқлари дебочаси шундан бошланди. Навбатдаги йилларда у яна қатор муваффақиятларга эришди. Масалан, 2007 йилда "Баркамол авлод" ўйинларининг финал босқичида 3-ўринни олди, сал кейинроқ Монголияда кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида 2-даражали диплом билан тақдирланди. Шу билан бирга, 2009 йилгача 4 карра республика чемпиони номига сазовор бўлди. Айтиш керак, айниқса, ўтган 2009 йил Муқаддас, унинг оила аъзолари, устози ва қолаверса, ватандошларимиз учун ҳам унутилмас йил бўлди. Сабаби, Таиландда ўтказилган Осиё ўйинларида унинг шижоати ва ғалабага бўлган ишончи туфайли Ватанимиз номи биринчи бўлиб ғолиб давлатлар сафида баралла янгради. Ҳа, бу чиндан машаққат чекиб қилинган меҳнатнинг самараси эди.

— Муқаддас ҳозир Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг енгил атлетика факультетида ўқийди. Шу кунгача юқори натижаларни кўрсатишининг сабаби ўз устида тинимсиз ишлаши ва ҳар қандай вазиятда ҳам тушкунликка тушмай, мақсадлари йўлида илдам юриши туфайли, деб билади.

Аксарият ёшларимиз қатори орзулари бир дунё бўлган Муқаддас келажакда танлаган соҳасининг моҳир устаси бўлиб етишишни, бор маҳоратини ўзидан кейинги курашга иштиёқманд шогирдларига ҳам ўргатишни ният қилган ва шу йўлда астойдил ҳаракат қилмоқда.

Шаҳрибону ИМОМОВА

Sport darvozasi

"БУНЁДКОР" ОСИЁ ВИЦЕ-ЧЕМПИОНИНИ ЕНГДИ

Европа яшил майдонларини жунбушга келтираётган сурон куни кеча Осиёга ҳам кўчди, десак муболаға бўлмас. Буни Тошкентдаги "Жар" стадионида бўлиб ўтган "Бунёдкор" ҳамда "Ал Иттиҳод" (Саудия Арабистони) жамоалари ўртасидаги учрашувни Европанинг бир неча телеканали орқали тўғридан-тўғри узатилганидан ҳам билиб олиш мумкин.

Осиё чемпионлар Лигаси гуруҳ баҳсларининг биринчи турида ҳамюртларимиз мухлисларга ажойиб ғалабани тақдим этди. Бразилиялик мутахассис Луиз Фелипе Сколари бошқараётган "қалдирғочлар" учрашувнинг 4-дақиқасидаёқ (Ривалдо) ҳисобни очди. Шундан сўнг, ташаббус буткул мезбонлар томонига ўтди ва рақиб дарвозаси олдида қатор хавфли вазиятлар содир этилди. 21-дақиқага келиб, тиниб-тинчимас Жасур Ҳасанов жамоасининг 2-голига муаллифлик қилди. Биринчи бўлим 2:0 ҳисобида якунига етди. Иккинчи таймда ҳам "Бунёдкор" ҳужумкор руҳни сақлаб қолди. Жарима тўпи ҳосил қилган рекошетдан Денилсон (65-дақиқа) унумли фойдаланиб, якуний ҳисобни йирик кўринишга олиб келди.

Айтганча, "Бунёдкор" клуби жарима майдончасида Карпенко томонидан "Ал Иттиҳод" ўйинчисига ишлатилган қўполлик австралиялик рефери Бинжамин Уильямснинг пенальти белгилаши билан ниҳояланди. Лекин Нур имкониятдан фойдалана олмади ва 3:0 ҳисоби ўзгармай қолди.

МАРИЯ ЎЗИГА КЕЛЯПТИ

Анчадан буён теннис оламида айтарли ютуққа эришолмай келаётган дунёнинг собиқ биринчи рақамли ракеткачиси Мария Шарапова ниҳоят АҚШнинг Мемфис шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда шоҳсупага кўтарилди.

23 ёшли иқтидор эгаси финалда швециялик рақибаси София Арвидссон билан куч синашди. 1 соату 6 дақиқага чўзилган икки сет натижасига кўра, Шарапованинг қўли баланд келди: 6:2, 6:1. Финалга қадар Мария икки нафар америкалик теннисчи — Шенай Перри ва Бетани Маттек-Сэндзни, кейин британиялик Елена Балтачани ҳамда чехиялик Петра Квитовани мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди. Мазкур ғалаба М.Шарапованинг жорий мавсумдаги дастлабки ва бутун фаолияти мобайнидаги 21-муваффақиятидир. У айни дамда WTA таснифида 16-ўринга кўтарилиб олди. Бу ғалаба унга 37 минг доллар билан бирга 280 рейтинг очкосини тақдим этди.

"БАРСА" ЯНА "РЕАЛ"ДАН УСТУН!

Испаниянинг икки гранд баскетбол клуби — "Барселона" ҳамда "Реал Мадрид" "Копа дель Рей" — "Қироллик кубоги"нинг ҳал қилувчи учрашувида ўзаро рўбарў келди, деб хабар берди испан нашрлари.

Хави Паскуаль шогирдлари мадридлик азалий рақиблари устидан ишончли ғалабага эришди. Одатдагидек тўрт бўлим давом этган финал учрашувининг якуний ҳисоби 19:16, 21:9, 24:12, 16:24 кўринишини олди. Муросасиз курашлар остида ниҳояланган учрашувда 80:61 ҳисоби қайд этилди. Ушбу масъулиятли матчни Артига, Пирес ва Гарсиалардан иборат ҳакамлар бригадаси бошқариб борди. Мамлакат баскетбол чемпионатида ҳам пешқадамлик қилаётган "Барселона" клуби Кубок финалининг дастлабки бўлими аввалида бироз асабийлашгандек кўринди ва кетма-кет очколарни бой бера бошлади. Бироқ керакли вақтда "отнинг жилови"ни маҳкам тутган "кўк-анорранглилар" "Реал Мадрид"ни мағлуб этишга ва Испаниянинг нуфузли совринларидан бирига эгалик қилишга эришди. "Барса"чилар жорий мавсумда яна икки ютуқни — Каталония Кубоги ва Суперкубогини қўлга киритганди.

ДИҚҚАТ!!! КУРСДОШЛАР УЧРАШУВИ

1985 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг «Ўзбек ва қозоқ филологияси» факультетини тугатган азиз курсдошлар! Сизларни 2010 йилнинг 25 март куни соат 9:00да институтни битирганимизнинг 25 йиллигига бағишланган юбилей кечамизга ташриф буюришингизни илтимос қиламиз!

Учрашув жойи: Низомий Ганжавий ҳазратлари ҳайкалининг ёнида.

Bilasizmi?

ПИНГВИН — ҚУШ(МИ?) ЁКИ...

«Пингвинлар — аслида қалдирғочлар, лекин улар жуда семириб кетган» деган ҳазил гап бор. Хўш, бу фикрга нима асос бўлган? Ташқи кўринишидан бу ажойиб жонзотларнинг қанотлари бор, тумшуғининг тузилиши қушларникига ўхшайди. Ранги қора, қорни ва кўкраги оқ рангдалиги қалдирғочларга монанд. Лекин тана тузилишининг бесўнақайлиги, уча олмаслиги туфайли уни қуш дейишга иккиланиб қоламиз.

ДЕНГИЗ ҚУШЛАРИ

«Википедия» манбасида келтирилишича, пингвинлар — ҳайвонот оламининг хордалилар (баъзи ҳайвонларда умуртқа суяги ўрнида эластик ўқ скелетининг бўлиши) турига, қушлар синфига кирувчи жонзот, дея таъриф берилган. Ўзининг узоқ қариндошларидан фарқли ўлароқ у уча олмайди, лекин жуда яхши сузади ва сувга чуқур шўнғий олади. Бу хусусиятлар унинг тана тузилиши билан боғлиқ. Табиатдаги бошқа ҳеч қайси қушнинг гавдаси пингвинларникига ўхшамайди. Уларнинг танаси суйри, яъни ҳаво ёки суюқликка кам қаршилик кўрсатади. Бундан ташқари, мушак ва суяклар жойлашуви сувнинг тагида қанотларнинг эшкак каби ҳаракатланишига имконият яратади.

Ҳар бир хусусият даврлар мобайнида шаклланади. Маълумки, сувда сузиш қанотлардан, қолаверса, бутун танадан ҳавода учишга қараганда, кўп қувват талаб қилади. Сувга қанча чуқур шўнғиса, қаршилик, босим шунча ошади. У ерда босим ҳавоникидан кўра кучлироқдир. Шунинг учун пингвинларнинг кураклари юзаси ҳам бошқа қушларникига солиштирганда каттароқ. Сузишда елка ва елка ости суяклари тирсак билан бирга ҳаракатсиз ҳолатда турса ҳам қанотларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Уларда тана оғирлигининг 30 фоизини кўкрак мушаклари ташкил қилиши энг яхши учадиган қушларда ҳам учрамайди. Бу жиҳат пингвинларнинг анча чайирлигидан далолат беради. Шунинг учун улар кўпроқ сут эмизувчиларга ўхшаб кетади. Учмас қушларнинг оёқ суяклари жуда калта бўлиб, бу ҳам сув остидаги ҳаракатни осонлаштиради. Ҳайратланарлиси, бу жонзотнинг тизза бўғими ишламайди, шу боис у лапанглаб юради. Сузиш мобайнида товонлари сузиш панжасига айланади, қуруқликда эса сувдагига нисбатан катталашади. Пингвинларнинг думи қаттиқлиги ҳам унинг тик юришига қўшимча таянчдир. Кузатишлардан маълумки, бошқа қушларнинг тумшуғи бўйни узунлиги учун гавдасига нисбатан олдинда жойлашган. Пингвинларда эса аксинча. «Болалар энциклопедияси»да келтирилишича, Антарктида қитъаси кашф қилинганда пингвинлар тўдасини узоқдан биринчи бор кўрган сайёҳлар уларни фрак кийиб олган одамларга ўхшатишган экан. Бунга биринчи сабаб уларнинг териси оқ-қора рангдалиги бўлса, иккинчи сабаб тик юришида эди.

ПИНГВИНМИ ЁКИ ЎРДАК?

«Пингвин» сўзининг келиб чиқиши борасида бир неча фаразлар бор. Интернет манбаларида келтирилишича, валлей тилида «пен» (бош) ва «гвин» (оқ) совуққа мослашган қанотсиз гагарка тури(денгиз-бўйи аҳолиси боқадиган хонаки ўрдак) маъносини беради. Денгизчилар ҳам гагарканинг уча олмайдиган турини пингвин дейишгани маълум. Антарктида кашф этилиши билан бир қанча, ўша давргача фанга номаълум бўлган жонзотларнинг борлиги бутун дунёга маълум бўлди. Ана шунда европаликлар янги ном топиб ўтирмасдан хонаки ўрдак исмини хозирги пингвинларга бериб қўя қолди. Пингвин (pinguin) сўзи лотин тилида ҳам мавжуд бўлиб «семиз» маъносини беради. Бошқа кўплаб европа тилларида ҳам унинг маъноси айнан шундай.

Пингвинлар бугун камайиб кетаётгани (унинг 3 тури «Қизил китоб»га киритилган) терисининг қимматлиги сабаблидир. Кийим-кечак саноатида бу ажойиб жонзотларнинг териси бебаҳо хомашё ҳисобланади.

Гавдасининг узунлиги 30—120 см., вазни 1—40 кг. бўлган пингвинларнинг тери остида қалин ёғ қавати совуқдан сақланишга ёрдам беришдан ташқари озуқа захираси бўлиб хизмат қилади.

ҚОБИЛИЯТЛАР МОСЛАШУВИ

Пингвинларнинг кўзлари сув тагида бемалол сузишга ёрдам беради. Унинг энг устки мугуз пардаси ясси бўлганлигига сабаб уларнинг кўзлари узоқни эмас, айнан яқинни яхши кўришга мослашган. Бошқа қушлардан пингвинларнинг яна битта фарқли томони — уларнинг қорачиқларида кенгайиш ва қисқариш лаёқати мукаммал ривожланган. Бу қобилият сувга жуда чуқур шўнғувчи Император пингвинларида аниқ намоён бўлади. Таҳлиллар натижасида маълум бўлишича, улар кўк рангни қизил рангга қараганда яхши кўради ва ҳатто ультрабинафша нурларини ҳам сезади. Сувга шўнғиш олдидан бироз танасига кирадиган қулоқлари сув тагида ҳеч қандай товушни эшитмайди, қуруқликда ҳам ўрта тебранишли товушларнигина илғайди.

ЭНГ МЕҲРИБОН ОТА

Пингвинларнинг қушлар каби тухум қўйишидан хабарингиз бўлса керак. Уни жуфтликлар навбатма-навбат иситишади. Уларнинг уялари йўқлигини умрининг асосий қисми денгизда ўтиши билан изоҳлаш мумкин. Тухум қўйиш даври эса қишнинг қаҳратон кунларига тўғри келади. Фаслнинг айни чилласида тухум ёриб чиқади. Ёш пингвинчаларга озиқ олиб келиш учун ота-она пингвинлар навбатма-навбат денгизга кетишади. Денгиздан қайтгунча ёш полапонлар тўда бўлиб қолишади. Ота-оналар денгиздан балиқ овлаб қайтгач, ўз болаларини таниб олишади. Бу ўзига хос, қизиқ, бошқа ҳеч қайси қушларда учрамайдиган ҳолат.

УЧИШДАН СУЗИШ ЯХШИМИ?

Пингвинларнинг сув остида сузиш тезлиги соатига 5 ёки 10 километрни ташкил қилади. Пингвинлар сув остига бир минутда 20 метр, 18 минутда 530 метр чуқурликка шўнғий олади. Бу турдаги қушлар Антарктида, Янги Зеландия, Австралиянинг жанубий қирғоқларида яшайди. Қисқичбақасимонлар билан овқатланувчи пингвинлар балиқхўрларига қараганда ҳажман каттароқ бўлади. Яна бир маълумот: ушбу жонзотлар денгиз сувини истеъмол қилади.

Илмий нуқтаи назардан қараганда, улар 4та асосий турга бўлинади. Шулардан биринчиси ва гавдаси жиҳатдан энг каттаси Император пингвинларидир. Иккинчиси Адель пингвинлари бўлса, учинчиси Антарктида пингвини ва тўртинчиси кокилдор пингвинлардир. Интернет манбаларида келтирилишича, бу жониворларнинг турлари бундан кўпроқ бўлиб, улар 6 тур ва 18 (19) кўринишдан иборат. Демак, юқоридагиларга қўшимча равишда, Виктория пингвини, олтин кокилли пингвин, Шлегеля ёки Маккуори, катта кокилли пингвин, олтин сочли пингвин, Эльф пингвин, кичик мовий ва кичик кўк пингвин, оқ қанотли пингвин, сариққўзли пингвин, Антипод пингвини, Хойхо пингвини, Генту пингвини, кўзойнакли пингвин, Галапагосс пингвин, Гумбольдт ва Папуа пингвини турлари ҳам бор. Турларнинг кўплиги улар яшовчи муҳитнинг ҳар хиллиги билан изоҳланади. Ҳар бир муҳит ёки ўзгариш пингвинларнинг ташқи кўриниши ва ҳаёт тарзида изини қолдирган.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Аслида табиатнинг ўзи доно. Шунинг учун ҳам унинг фарзандлари — қушларининг учиш ёки уча олмаслиги тўғрисида қатъий фикр билдиришга ожизлик қиламиз. Шундай жонзотлар борки, улар сув остида яшасалар ҳам сутэмизувчи ҳисобланади. Қолганларида қанот бор бўлса-да, уча олмайди, сузади. Пингвинларнинг қизиқарли оламидан нафақат бир дунё таассурот оласиз, балки ҳаётингиз мобайнида асқотувчи билим манбаига эга бўласиз.

Санобар ЖУМАНОВА тайёрлади.



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi: Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Rustam AHLIDINOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-122.
Tiraji 46517.
Hajmi 8 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Zebo NAMOZOVA.
Navbatchi: Behzod FAZLIDDINOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
Ⓜ *belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
ЎзА якуни — 21.00

1.345